



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ЕТАКЧИЛАР ВА ҲАМКОРЛАР БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТЛАР ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль куни хорижий давлатлар етакчилари ва нуфузли сиёсий арбоблар билан телефон орқали мулоқотлар ўтказди.

Сўхбатлар чоғида хорижий ҳамкорлар давлатимиз раҳбарини таваллуд куни билан самимий табриклаб, мустақам солиқ, бахт-саодат, фаровонлик ва давлатчилик фаолиятида янги муваффақиятлар, шунингдек, кўп миллатли Ўзбекистон халқига тинчлик ва равақ тилакларини билдирдилар.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқотда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Россия ҳар томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичларининг ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор йўналишларда етакчи корхона ва компанияларнинг кооперация лойиҳаларини илгари суриш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар алмашинув фаол давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари бўлажак тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан сўхбатда Ўзбекистон — Қозоғистон яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Барча йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик суръати ошаётгани, устувор тармоқларда муҳим кооперация лойиҳалари илгари сурилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров билан сўхбатда Қирғизистон етакчиси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни, шунингдек, Шавкат Мирзиёевнинг икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашга қўшган шахсий ҳиссасини юксак баҳолади.

Барча йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик суръати ортиб бораётгани

мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми жадал ўсмоқда, саноат кооперацияси лойиҳалари, жумладан, Қўшма жамғарма доирасида амалга оширилмоқда. Йирик минтақавий инфратузилма лойиҳалари бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Бўлажак олий даражадаги саммит кун тартибидagi, аввало, савдо-иқтисодий соҳада пухта тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Эрон Ислон Республикаси Президенти Массуд Пезешкиён билан сўхбатда Ўзбекистон етакчиси Яқин Шарқ минтақасида кескинлик давом этаётганидан жиддий ташвиш билдириб, бутун ҳар қачонгидан ҳам вазмиллини сақлаш ва мулоқотни қайта тиклаш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Сўхбат давомида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Эрон етакчилари кун тартибидagi бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракатлари тубайли бутун мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан дадил илгариллаб, халқаро майдондаги нуфузини изчил мустақамлаб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Сўхбатда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Томонлар Тожикистон Президентининг жорий йил 26-27 март кунлари Ўзбекистонга давлат ташири чоғида, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда эришилган келишувларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Етакчилар минтақавий кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак учрашувлар режасини муҳокама қилдилар.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқотда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

У Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини ҳам етказди.

Гурбангули Бердимухамедов Президентимизнинг тинимсиз меҳнати ва узоқни кўлаб юритаётган сиёсати тубайли Ўзбекистон янги марраларни забт этаётгани, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда салмоқли тараққиётга эришаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзаро ишонч ва умумий манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига асосланган кўп қиррали ҳамкорлик суръати ортиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом эттирилмоқда. Яқинда Ашхобода ўтган сиёсий маслаҳатлашувларнинг самарали якунлари юксак баҳоланди.

Ўзаро товар айирбошлаш ва юк ташиш ҳажми жадал ўсиб бормоқда. “Шовот — Дашоғуз” савдо зонасининг самарали фаолияти ҳам ўзаро савдо ҳажмини оширишга хизмат қилмоқда.

Энергетика, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт соҳаларида кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Парламентлараро, ҳудудлараро, ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алмашинувларни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий кун тартибидagi мувофиқлаштириш ва илгари суришга, шу жумладан, жорий йил кузда Аваза шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувига тайёрларлик кўриш доирасида алоҳида эътибор қаратилди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан сўхбатда Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражалардаги мулоқотлар давом этмоқда. Ўтган ҳафта Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Қўшма Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишларининг самарали якунлари мамнуният билан қайд этилди.

Бўлажак олий даражадаги саммитга пухта тайёрларлик кўриш, унинг иқтисодий кун тартибидagi аниқ лойиҳалар ва дастурлар билан бойитиш муҳимлиги таъкидланди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан сўхбатда Ўзбекистон — Беларус стратегик шериклик муносабатларини Ўзбекистон Президентининг жорий йил 8-9 июль кунлари Минск шаҳрига амалга оширган расмий

таширида эришилган келишувларни бажариш доирасида янада чуқурлаштиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражаларда самарали мулоқотлар олиб борилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда. Устувор соҳаларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Фаол тус олган ҳудудлараро ҳамкорлик ва маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқотда қардош мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилгани, шунингдек, барча йўналишларда ҳамкорлик жадал ривожланиётгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш ҳажми ўсмоқда, қўшма корхоналар сони ва мунтазам авиақатновлар кўпаймоқда, истиқболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳам фаол давом этмоқда. Жумладан, Хатай вилоятида Ўзбекистонга бағишланган объектлар очилди. Намангандаги Халқаро мақом санъати фестивали ва Ислон цивилизацияси форумида Туркия томони юқори даражадаги делегация билан иштирок этди.

Сўхбат давомида олий даражада эришилган келишувлар доирасида кенг қўламли режа ва максалларни биргаллашга амалга ошириш масалалари ҳам алоҳида кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоганга расмий ташири билан Ўзбекистонга келишни тақдир этди.

Сербия Республикаси Президенти Александар Вучич билан сўхбатда Ўзбекистон — Сербия кўп қиррали муносабатларини янада мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди. Ўтган йилнинг октябрь ойида Сербия Президентининг Ўзбекистонга ташири якунлари бўйича эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий, инфратузилмавий, маданий-гуманитар соҳаларда, шунингдек, туризм ва ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўналишларида ҳамкорликни изчил ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Бўлажак қўшма тадбирлар режаси, хусусан, Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилишини ўтказиш ҳамда Ўзбекистон делегациясининг Белград шаҳрида бўлиб ўтадиган “ЭКСПО-2027” халқаро

кўргазмасида иштирок этиши масалалари кўриб чиқилди.

Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе билан сўхбатда Ўзбекистон — Грузия стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 2-3 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Грузияга давлат ташири якунлари бўйича эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зайд Ол Наҳаён билан телефон сўхбатда Ўзбекистон — БАА стратегик шериклик муносабатлари мустақамлашиб бораётгани, йирик қўшма лойиҳалар жадал амалга оширилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Фаол сиёсий мулоқотни давом эттириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга келишиб олинди.

Икки давлат етакчилари минтақавий ва халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Йордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн билан сўхбатда Самарқанда ўтган мазмунли музокаралар ва уларнинг якунида эришилган муҳим келишувлар икки томонлама муносабатлар ривожига янги саҳифа очгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро алоқалар, ишбилармонлик ҳамкорлиги, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинувлар кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Етакчилар сиёсий мулоқотни давом эттириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, шунингдек, олий даражадаги бўлажак тадбирларга пухта тайёрларлик кўриш муҳимлигини таъкидладилар.

Халқаро ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустақамлашга хизмат қилаётган икки мамлакат парламентларининг самарали ҳамкорлиги катта мамнуният билан қайд этилди.

Олий даражада эришилган келишувларнинг амалга оширилиши устидан парламент назоратини таъминлаш, саноат

кооперацияси, таълим ва маданият соҳаларидаги қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш бўйича фаол ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён билан телефон мулоқотида Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўтган йил январь ойида БААга олий даражадаги ташири чоғида эришилган келишувлар самарали амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Йил бошидан буюн товар айирбошлаш ҳажми жадал ўсмоқда, қўшма лойиҳаларнинг умумий портфели 20 миллиард доллардан ошди, 400 дан зиёд қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Август ойидан “Etihad Airways” компанияси Абу-Даби — Тошкент йўналишида ҳар кун авиақатновларини йўлга қўяди.

Яқин мулоқотни давом эттириш ва йирик лойиҳаларни жадаллаштириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов билан сўхбатда Ўзбекистон ҳудудларининг Татаристон Республикаси билан амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ҳамда устувор тармоқларда саноат кооперацияси лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича қўшма чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев билан телефон сўхбатда Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг бутунги энг юксак даражаси, шунингдек, барча устувор йўналишларда кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Санкт-Петербург шаҳри губернатори Александр Беглов билан сўхбатда Ўзбекистон ҳудудларининг Санкт-Петербург шаҳри билан икки томонлама амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

“Йўл харитаси” асосида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, янги кооперация лойиҳаларини илгари суриш, фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттиришга қаратилган қўшма чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚАТАР ЕТАКЧИЛАРИ КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль куни Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Қатар Амирининг Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Ўзбекистон — Қатар стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик

муносабатларини янги босқичга кўтариш масалалари муҳокама қилинди. Олий ва юқори даражадаги самарали мулоқот ва алмашинувлар фаоллашётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.


Телефон сўхбати чоғида сиёсий мулоқот ҳамда савдо-иқтисодий, инвестициявий

лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни кўришга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Қатар етакчилари олий даражадаги тадбирлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎЗА

МАҲАЛЛАДАГИ ХАВФСИЗ ВА БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ МУҲИТ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!

Халқаро таҳлилларга кўра, 2025 йил Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг зўравонликка тўла ва қонли йиллардан бири сифатида тарихга кирди. Чунки 245 мингга яқин одам халок бўлди ва дунё бўйлаб мажбурий кўчирилганлар сони 122 миллиондан ортиб кетди. Миллионлаб бола таълимдан узилган, минглаб корхона фаолияти тўхтаган, бутун бошли шаҳарлар вайрон бўлган.

Бу рақамлар бизга бир ҳақиқатни аниқлатади: тинчлик — шунчаки сиёсий тушунча эмас. Тинчлик инсоннинг эртани

кунга ишончи, фарзандининг келажаги, оиласининг бахти ва ватан тараққиётининг асосидир.

Шу нуқтага назардан, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қаратилаётган эътиборнинг аҳамияти беқиёсдир. Бугун Ўзбекистонда ҳар бир инсоннинг ҳаёти, кадр-қиммати ва хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор вазифаси сифатида белгиланган.

Кейинги йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида мутлақо янги бошқарув тизими шакллантирилди. Илгари ҳуқуқбузарлик содир бўлганидан кейин чора кўришга асосий эътибор қаратилган бўлса, бугун мутлақо янги тамойил — “жизнотини очиш эмас, унинг олдини олиш” бош мезонга айланди.

➡ Давоми 4-бетда



Қаерда фақат бахтли келажақ ҳамда шонли ўтмиш керагидан кўп урғуланса, англаш қийин эмаски, у ерда ҳозирги ҳолатдан, бугуннинг реаллигидан қониқмаслик бор, яъни ҳаммаси рисоладегидек эмас. Бу ҳолатда одатда энг кўп манипуляция қилинадиган қатлам ёш авлоддир. Бугунги авлод эса эртага эмас, айнан бугун бахтли ва фаровон турмуш кечиришни истайди.

Уларга аини дама ўз кўзлари билан кузата оладиган, танида ҳис қила биладиган шароит ва имкониятлар, натижалар керак. Тараққиётда ортда қолишни истамаган давлат борки, буни аллақачон тўғри англаб шунга монанд йўл тутмоқда.

➡ Давоми 3-бетда



Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Энди мамлакатлар рақобати табиий бой-ликлар ёки арзон ишчи кучи билан эмас, балки иқтисодий бошқарув сифати, инсти-тутлар самарадорлиги, инвестиция муҳити, инновациялар ва инсон капитали билан бел-гиланмоқда. Қайси давлат ўз иқтисодиётини ташқи шокларга тез мослаштира олса, ху-сусий ташаббус учун кенг имконият яратса, ички ресурслардан оқилона фойдаланса ва давлат бошқаруви натижага йўналтирил-ган тизимга айлантирса, келажак иқтисоди-ётда айнан ўша мамлакат устунликка эга бўлади.

Ўзбекистон ҳам айнан ана шундай тари-хий босқични бошдан кечирмоқда. Кейин-ги йиллардаги кенг қамровли ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз мутлақо янги ривожланиш траекториясига чиқди. Бозор муносабатларини чуқурлаштириш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, инвести-ция муҳитини яхшилаш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва давлат бошқа-рувини ислох қилиш бўйича қабул қилинган қарорлар қисқа вақт ичида миллий иқтисо-диётнинг таркибий қиёфасини ўзгартаришга хизмат қилди.

Эришилган натижалар келгусидаги ва-зифалар янада мураккаб ва масъулиятли

эканини ҳам кўрсатмоқда. Чунки иқтисодий ўсишнинг дастлабки босқичида асосий эъти-бор бозор муносабатларини шакллантириш-га қаратилган бўлса, энди устувор вазифа ушбу ўсиш сифатини ошириш, барқарорли-гини таъминлаш ва ҳар бир фуқаро ҳаётида амалий натижага айлантиришдан иборат.

Президентимиз раислигида ҳудуд ва тар-моқларда жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ҳамда йил якунига қа-дар амалга оширилиши лозим бўлган усту-вор вазифалар муҳофазасига бағишлаб ўт-казилган видеоселектор йиғилиши айнан шу жиҳатдан мамлакат иқтисодий сиёсатининг янги босқичига онд муҳим сиёсий-иқти-содий воқеа сифатида аҳамият касб этади. Унда нафақат ўтган олти ойлик натижалар сарҳисоб қилинди, балки иқтисодиётнинг кейинги ўсиш нуқталари, ички резервлари ва давлат бошқарувининг янги стандартлари ҳам белгилаб берилди.

Йиғилишда эълон қилинган макроиқти-содий кўрсаткичлар мамлакатимиз иқтисо-диётининг ташқи босимларга қарамасдан барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қол-ётганини тасдиқлайди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички махсу-лот 8,5 фоиз ўсди. Саноат ишлаб чиқариши, хизматлар соҳаси, қурилиш ва қишлоқ хўжа-лигида юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Инвестиция ҳажми 28 миллиард долларга, экспорт эса 14,4 миллиард долларга етди. Fitch ва Moody's халқаро рейтинг агент-ликлари томонидан мамлакатимиз суверен кредит рейтингини оширилгани эса иқтисодий ислохотларимизга халқаро ҳамжамиятнинг ишончи тобора ортиб бораётганини кўрса-тади.

Бироқ бу рақамларнинг ўзи иқтисодиёт-нинг ҳақиқий қиёфасини тўлиқ акс эттир-майди. Макроиқтисодий ўсиш, аввало, аҳоли даромадлари, янги иш ўринлари, тадбиркор-лик фаолияти, инвестициялар самарадорли-ги ва ҳудудлар ривожига намён бўлганда-гина ҳақиқий мазмунига эга бўлади. Шунинг учун йиғилишнинг асосий гоёси иқтисодий ўсишни сақлаб қолиш эмас, балки унинг си-фатини янги босқичга кўтаришдан иборат бўлди.

Давлатимиз раҳбари мамлакат аҳолиси 40 миллиондан ошадиган шароитда иқтисо-диёт камида 9-10 фоиз ўсиши зарурлигини қайд этгани стратегик иқтисодий вазифадир. Бу, биринчи навбатда, демографик ўсиш

суръатлари, меҳнат бозорига ҳар йили кириб келаётган юз минглаб ёшлар, шаҳарлашув жараёнлари ва аҳолининг сифатли таълим, тиббиёт, уй-жой ҳамда муносоиб иш ўринла-рига эҳтиёждан келиб чиқади.

Иқтисодий назарияда “иқтисодий ўсиш” ва “иқтисодий ривожланиш” тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлса-да, мазмунан турлича-дир. Ўсиш ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан ўлчанса, ривожланиш инсон капитали, меҳнат унумдорлиги, инновация, институт-лар сифати ва аҳоли турмуш даражасидаги ўзгаришлар билан баҳоланади. Ўзбекистон-даги ислохотларнинг асосий хусусияти ана шунда — иқтисодий сиёсатнинг марказига рақамлар эмас, инсон манфаати қўйилмоқда.

Мамлакатимиз етакчиси йиғилишда раҳбарлар фаолиятига баҳо бериш мезони ўзгараётганини алоҳида таъкидлади. Энди вазирлик ёки ҳокимлик иши қабул қилинган қарорлар сони билан эмас, балки уларнинг аҳоли ҳаётида қандай натижа бергани, тад-биркорлар учун қандай имкониятлар ярат-гани ва ҳудудларда қандай иқтисодий ўзга-ришларга эришилгани билан баҳоланади. Бу давлат бошқарувида натижага йўналтирил-ган мутлақо янги маданият қарор топаётга-нини аналгатади.

Айнан шу нуқтадан мамлакатимиз иқти-содий тараққиётининг янги босқичи бошла-нади. Бу босқичда асосий эътибор иқтисо-дий ўсиш ҳар бир оила, маҳалла ва ҳар бир тадбиркор ҳаётида қандай акс этаётганига қаратилади. Демак, иқтисодий сиёсатнинг

ҳақиқий самараси халқ фаровонлигида намоён бўлади. Шу боис, йиғилишда белги-ланган вазифалар иқтисодий тараққиётимиз-нинг узок муддатли стратегиясидир.

Ҳар қандай мамлакат тараққиётини бел-гилайдиган асосий омиллар ҳақида турли назариялар мавжуд. Айрим иқтисодчилар табиий ресурсларни, бошқалар инвести-циялар ёки технологияларни ҳал қилувчи омил сифатида баҳолайди. Бироқ замонавий иқтисодий тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, узок муддатли ва барқарор тараққиётнинг асосий манбан, аввало, сифатли давлат бошқаруви-дир. Табиий бойликларга эга бўлмаган, аммо кучли институтлар ва самарали бошқарува-га таянган давлатларнинг жаҳон иқтисодиёти-да етакчи ўринларини эгаллаётгани айнан шу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ислохотлар-нинг навбатдаги босқичи давлат бошқару-вини янада такомиллаштириш билан узвий боғланмоқда. Чунки иқтисодий ўсишни таъ-минлаш учун қабул қилинаётган қарорлар ўз вақтида, аниқ ҳисоб-китоблар асосида ва энг муҳими, амалий натижага қаратилган бўли-ш лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, видеоселектор йиғилиши давлат бошқаруви тизимига нисбатан янги талабларни белги-лаб берди.

Йиғилишда мавжуд имкониятларни аниқлаш, муаммоларнинг илдинини очиш ва уларни ҳал қилишнинг янги механизми-ларини белгилашга уруғ қаратилди. Ҳар бир вазир, тармоқ раҳбари ва ҳокимдан йил

якунига қадар қандай натижага эришиши, бунинг учун қайси ички резервларни ишга солиши ва юзага келиши мумкин бўлган ха-тарларга қандай тайёргарлик кўраётганини асослаб бериш талаб қилинди.

Бу талабнинг мазмун-моҳияти жуда чуқур. Чунки иқтисодиётда муваффақият аксарият ҳолларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишга эмас, балки уларнинг олдини олиш-га боғлиқ бўлади. Шу боис, ривожланган давлатларда “проактив бошқарув” тушунча-си давлат сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур моделда раҳбар вазият оғирлашга-нидан кейин эмас, балки хавф-хатарларни олдиндан кўра билиб, тегишли чораларни ўз вақтида амалга оширади.

Бугунги глобал иқтисодиётда бундай ёндашув, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Халқаро бозорлардаги кескин ўзгаришлар, ташқи талаб пасайиши, логистикадаги узи-лишлар ёки энергия ресурслари нархлари те-браниши мамлакат иқтисодиётига қисқа вақт ичида таъсир кўрсатиши мумкин. Демак, давлат бошқаруви ҳам шундай тезкор ва мослашувчан бўлиши керакки, ташқи оми-лар ички иқтисодий барқарорликка жиддий салбий таъсир кўрсатмасин.

Йиғилишда айрим ҳудудларда иқтисодий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётгани ай-тилди. Айниқса, инвестициялар, саноат ва қурилиш соҳаларида мавжуд имкониятлар етарлича ишга солилмаётгани қайд этилди. Бу ҳар бир ҳудуднинг ривожланиш салоҳи-ятини тўлиқ ишга солишга қаратилган аниқ сиёсий сигнал бўлди.

Бугун иқтисодиётда энг катта йўқотиш маблаг етишмаслиги эмас, балки мавжуд имкониятлар ишга солинмаслигидир. Ку-рилган инфратузилма ишламаса, ажратил-ган кредит янги қиймат яратмаса, инвести-ция лойиҳаси кечикса ёки тадбиркор маъмурий тўсиқлар сабабли ишлаб чиқа-ришни кенгайтира олмаса, иқтисодиёт ўз имкониятидан паст суръат кўрсатади. Шунинг учун иқтисодий ўсишнинг янги босқичида асосий вазифа янги ресурсларни излаш билан бирга мавжуд ресурсларни са-марали бошқаришдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий кўр-саткичларнинг аҳоли ҳаётида сезилиши шартлигини алоҳида таъкидлади. Бу давлат бошқарувининг асосий баҳоси статистик ҳисоботлар эмас, балки одамларнинг тур-муш даражаси эканини аналгатади. Агар қа-бул қилинган қарорлар натижасида янги иш ўринлари яратилса, тадбиркорнинг вақти ва харажатлари қисқарса, маҳаллаларда инфра-тузилма яхшиланса, коммунал хизматлар сифати ошса ва аҳоли даромадлари кўпайса,

шундагина иқтисодий сиёсат мақсадига эришган бўлади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиздаги давлат бошқаруви ислохотлари иқтисодий тараққиётнинг институционал асосларини мустақкамлашга қаратилган. Зеро, кучли институтлар барқарор инвестиция муҳити, юқори меҳнат унумдорлиги, рақобатбардош иқтисодиётни таъминлайди.

Қарор топаётган иқтисодий бошқарув модели ҳар бир раҳбарнинг шахсий масъ-улиятини ошириш, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, қарор қабул қилиш жа-раёнини тезлаштириш ва ҳар бир давлат идорасини иқтисодий тараққиётга хизмат қилувчи самарали институтга айлантириш-дан иборат.

Бу ўзгаришлар, шубҳасиз, қисқа муддат-ли эмас. Улар келгуси йилларда мамлақати-миз иқтисодий рақобатбардошлигини бел-гилайдиган энг муҳим омиллардан бирига айланади. Чунки XXI аср иқтисодиётида рақобат фақат товар ёки хизматлар ўртаси-да эмас, балки давлат бошқаруви тизимлари ўртасида ҳам кечмоқда. Қайси мамлакат тез қарор қабул қилса, ички ресурсларни сама-рали сафарбар этса ва бизнес учун қулай муҳит яратса, айнан у инвестиция, техноло-гия жалб қила олади.

Президентимиз белгилаб берган устувор вазифалар тўлиқ ва самарали бажарилиши-да парламент ҳам фаол иштирок этади. Зеро, иқтисодий ислохотларнинг барқарорлиги ва изчиллиги, энг аввало, уларнинг мустақкам ҳуқуқий асоси ҳамда таъсирчан парламент назорати билан таъминланади.

Энди қонун ижодкорлиги фақат янги қо-нуиларни қабул қилиш билан чекланмаслиги керак. Амалдаги норматив-ҳуқуқий базани танқидий таҳлил қилиш, иқтисодий фоали-ликни чеклаётган ҳуқуқий тўсиқларни бартара-ф этиш, тадбиркорликни рағбатлантириш ва инвестиция муҳитини янада яхшилашга хизмат қиладиган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш парламентнинг доимий эътибор марказида бўлади.

Парламент назорати қабул қилинган қо-нуналр, давлат дастурулари ва Президент тошмириқларининг ҳудудлардаги ижросини тизимли баҳолаш, бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишини ўрга-ниш, аҳоли ҳамда тадбиркорларнинг қийна-ётган муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Айни пайтда парламент олдида яна бир муҳим вазифа турибди. Бу — ислохотлар-нинг мазмун-моҳияти, мақсад ва кутилган натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳоли билан очик мулоқотни таъминлаш ҳамда жойларда билдирилаётган таълим ва мулоҳазаларни қонунчилик жараёнига олиб кириш. Шубҳасиз, Президентимиз белгилаб берган стратегик вазифаларнинг тўлиқ рўёб-га чиқиши давлат ҳокимиятининг барча тар-моқлари ўртасидаги самарали ҳамкорликка боғлиқ. Бу йўлда парламент иқтисодий ис-лохотларнинг ҳуқуқий пойдеворини янада мустақкамлаш, уларнинг ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлаш вазифаларини изчил амалга оширади.

ФАРОВОНЛИККА ЮЗ ТУТАЁТГАН МАСКАН



Субхидам. Атрофда сокинлик ҳукмрон. Тунда қўшиқ айтиб чарчаган жазловуқлар ҳам жимиб қолган. Тонгги шабада бугдой бошоқларини майин тебратди. Жазирамада пишиб етилган бошоқлар охиста шитирлайди. Шу пайт қаёқдадир хўроз қичқирғи сукунатни бузади, ён-атрофдан бошқалари жўр бўлади.

Тун пардаси аста кўтарила бошлайди. Пахтабод маҳалласи аҳли ҳали куёш ётоғидан бош кўтаришга улгурмай ҳаракатга тушиб кетади. Дала четида мотор овози гуруллаб, бугдойзорга комбайн оралайди. Ортидан чанг чиқарганча юк машиналари кириб боради.

Шаҳарга кетувчиларга оғохлантириш берганча янги автобус кўчаларни кезади. Ку-лайлиги виллот марказига қадар 15 километр масофа учун йўлқира атиги 2000 сўм. Ода-тияга кўра сут сотиб олувчи ҳам эрта келади. Юк машинасини кўча бошида тўхташиб, бир оз кутади. Хонадонлардан бирин-кетин аёллар сутга тўлган идишини кўтариб, кела бошлайди. Олувчи сутни ўлчаб, пулини са-наб бераверади. Бу ердаги аксарият хонадон-ларда ситир соғилади. Ҳар бир хонадон ўр-тача 15-20 литр сут сотиб, 100-200 минг сўм даромад топади. Бемалол автобусда шаҳарга тушиб, рўзгор учун керакли нарсаларни хари-д қилиб келиш мумкин. Илгартигидек соат-лаб машина кутиш, йўлда қолиб кетиш йўқ. Автобус кунига уч маҳал қатайди.

Нижон туманидаги Пахтабод маҳалла-сининг бир тарафи пахтазор. Иккинчи тара-фи эса галлазорга туташ. Маҳалланинг ўзига 41 фермер фаолият юритади. Бир пайтлар бу ҳудудда камбағаллик даражаси анча юқори бўлган. Кейинги йилларда эса аҳоли бандли-гини таъминлаш, турли имтиёзли кредитлар ажратиш туфайли бирор бекорчи қолмади.



Яқинда мазкур маҳалла фаолияти билан танишишга ҳаракат қилдик. Борганимизда ички йўллари асфальтлаш ишлари қизгин кечаётган эди. Қишлоқ фаолларининг айти-шича, уч марта “Ташаббусли бюджет” лойи-ҳаси орқали йўлнинг анча қисми таъмир-ланиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган электр симёғочлари бетон устуларга алмаштириб чиқилган. Ҳозир эса давлат дастури асосида етиштирилади. Қолганлари деҳқончилик, чорвачилик билан машғул. Бундан ташқа-ри, фермерлар билан шартнома асосида ишлашади. Умуман олганда бекор киши-нинг ўзи йўқ. Ҳар ким ўз юмуши билан банд. Рўзгори бут. Бировдан кам яшаётган иш йўқ. Маҳалламиз обод бўлиб борапти. Одамларимиз ҳам олдингидек боқиманда эмас. Яхши турмуш кечирishi учун доим ҳаракатда. Қўриб турганингиздек, 7 километрдан ортиқ ички йўлимиз асфальт-лаштириляпти. Бу иш якунига етгач, йўл борасида умуман камчиликлар қолмайди. Келинг, яхшиси, ўзингиз гувоҳи бўлинг.

Раис билан чиққан машинамиз раvon йўлда бир маромада ҳаракатланади. Ўткир аканинг айтишича, анча йилдан бери ўзи ҳам фермерлик қилиб келади.

— Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида илмий ёндашув асосида иш юритилаётгани катта натижа берапти, — дейди у. — Биргина сугориш тизими ҳақида гапирадиган бўлсак, далани сугориш учун сувни катта каналдан насос орқали оламиз. Ўнга яқин фермер учта насосдан фойдаланиб келардик. Лекин электр токи учун бир кунда камийда 150-200 минг сўм сарфланарди. Гоҳида қарзга ботиб, сув чиқаролмай қолган пайтларимиз ҳам бўлган. Ўтган йилдан бошлаб тежамкор на-сос, орадан кўп ўтмай, куёш панели ўрна-дик. Ҳозир текин фойдаланиши билан бирга насос ишлатилмаган пайтлари туман электр тармоқларига сотиб, даромад ҳам оламимиз.

Машина бўйи баробар галла ўсиб ётган дала ёнида тўхтади. Агротехник тадбирлар сифатли ўтказилганиданим, ҳар бир бо-шоқ яхши етилган. Сал нарида комбайнчи ўримга ҳозирлик кўрмоқда. Нариги тарафда эса ишчилар чопиқ қиялпти. Дала четлари ҳам фермернинг назаридан четда қолмаган. Бир томонига қовоқ, нарироғига бошқа экин экилган.

— Бу ерга сизни бошлаб келишимдан мақсад дастлаб фермерларимиз ишини кўр-сатиш эди, — дейди Ўткир Доллиев. — Қо-лаверса, шу баҳонада комбайнчилар холи-дан хабар оламиз. Мана шу атрофдаги 800 гектарга яқин галлазор, яна шунча пахтазор маҳалламизга қарашли. Ҳудудимизда 41 фермер фаолият юритади. Шу пайтгача бор

имкониятдан унумли фойдаланимай келган-миз. Ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигига катта эътибор қаратиши туфайли янгиланишлар бошланди. Мисол учун, ҳозирда галладан ҳам, пахтадан ҳам аввалгидан анча юқори ҳосил олинапти. Кам ҳаражат қилиб, катта натижага эришилмоқда. Миниб юрган мана шу машинам ҳам фермерлик ортидан олин-ган. Мен асосан уруғлик галла етиштираман. Авваллари қарзга ҳам кириб қолардик. Хо-зир 700-800 миллион сўм даромад топиамиз. Шунинг эвазига ўтган йили битта комбайн сотиб олдим. Ҳозир кунлик маблаг ишлаб топапти. Олти кишини иш билан таъминла-дим. Меҳнат қилганга яраша роҳатини кўр-ган кишининг яна ишлагиси келади. Йилдан йилга даромадимиз ошиб, янги йўналишлар-га қўл уряпмиз. Давлатимиз берган имти-ёزلардан фақат унумли фойдаланишимиз керак.

Меҳнатдан ишбилармонлик сари йўл

Даладан қайтар эканмиз, Ўткир ака асал қадоқлаш цехига бошлади. Айтишича, тадбиркор Абдурахмон Бердиев айнан шу йўналиш билан 10 йилдан бери шуғулланиб келади. Лекин етиштирган маҳсулотидан тў-лиқ фойда ололмаган. Чунки истеъмолчилар талабига мос қадоқлаш ускунаси бўлмаган. Бу эса асал нархи пасайишига олиб келади. Яқинда эса у янги лойиҳа устида ишлаб, қа-доқлаш цехини очди.



Энди бу имконият ўзимизда яратилди. Маз-кур микромарказда нафақат қадоқлаш, асал-ари уйларини ясаш, озукасини тайёрлаш, муми ҳамда асалари маҳсулотларини қайта ишлаш назарда тутилган. Шунингдек, ушбу йўналишда ўқув курси очилиб, савдо дўко-ни фаолияти йўлга қўйилади. Натижада шу ерда янги иш ўрни очилади. Режага кўра, келгусида маҳалламиздаги 20 йигит-қиз учун марказда ишлаш имконияти яратила-ди. Шу билан бирга, тадбиркор даромадини миллиард сўмдан оширишни мақсад қилган.

Бир мавсумда ярим миллиард сўм даромад

Маҳаллани айланишда давом этарканмиз, раис завқланиб, худуд ободлиги ҳақида гапи-риб борарди. Айтишича, маҳаллада иккита мактаб, битта мактабгача таълим ташкило-ти бор. Учала таълим муассасаси бинолари ҳам замонавий қўёфага келтирилган. Олдин камбағал оилалар кўп эди. Ҳозир деярли йўқ. Ҳар бир хонадон томоқрасидан унумли фой-даланишини йўлга қўйган. Ёшлар эса аввал-гидек хорижга иш излаб кетиш ўрнига шу ерда фойдали юмуш билан банд.

Йўлда давом этар эканмиз, “Ёшларимиз орасида деҳқончиликни яхши ўзлаштирган-лари кўп. Келинг, шулардан бири билан сиз-ни таништирай”, деб қолди раис. У айтган хонадонга бордик. Томорқада очиқ жой йўқ. Ховли ўртасида иккита катта иссиқхонада помидор пишган. Қўриб ҳавасингиз келади. Уч-тўрт киши ҳосилни териш билан банд.

Ёшим 26 да. Бу ишни бошлаганимда 14 ёшда эдим. Дастлаб кичикроқ иссиқхона қургандим. Ўнга фақат кўкат экиларди. Кейинчалик иссиқхонани кенгайтирдик, поми-дор ва бодрийн экадиган бўлдим. Даромади ҳам шунга яраша яхши бўляпти. Оилавий меҳнат қиламиз. Ҳосил февралда пишганди. Ҳозиргача сотяпмиз. Харидорларнинг ўзи олиб кетади. Ўтган йили бир мавсумда 250 миллион сўмдан ошдиқ фойда олдик. Бу йил даромадини 500 миллион сўмдан оширишни режа қилганим, — дейди еш деҳқон Шаҳзод Бўриев. — Ҳозир иккита иссиқхонамиз ҳам томоққада бўлгани боис, бир оз торлик қил-япти. Туман ҳокимлигидан фойдаланишга ер сўрагандик. Яқинда бир гектар жой ажратил-ди. У ерда ҳам ишни бошлаб юбордик. Қатор қилиб иссиқхоналар қурапмиз. Ўнга яқин ишчи оламиз. Шундан сўнг фойдамыз янада ошади, дея бемалол айта оламиз.

Пахтабод маҳалласини ўрганиш даво-мида ҳудуд фаровонликка юз тутаетганига гувоҳ бўлдик. Асосийси, одамларнинг тур-муши яхшиланган. Ҳаётдан розилиги орт-моқда. Муҳими ҳам шу.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Бонси бугун мамлакатлар истиқболи, биринчи навбатда, яратувчанлик қобилиятига эга етук авлод, замонавий технологияларни эгаллаган мутахассислар, янгиликдан қўчимайдиган, ташаббус билан яшайдиган ёшлар салоҳияти орқали баҳоланадир. Юртимизда ҳам шу тамойил ижчил давом эттирилмоқда. Ёш авлоднинг билим олиши, касб эгаллаши, тадбиркорлик қилиши, илм-фан билан шуғулланиши, замонавий технологияларни ўзлаштириши, халқаро майдонда муносиб рақобат қилиши учун яратилаётган шароитлар ягона тизим асосида ривожланипти.

30 июнь — Ёшлар кунى муносабати билан давлатимиз раҳбарининг йигит-қизлар билан учрашуви ушбу сиёсатнинг навбатдаги босқичини белгилаб берди. Мулоқот давомида эришилган натижалар чуқур таҳлил қилинди, замонавий касблар, сунъий интеллект, инновацион иқтисодиёт, ёшлар тадбиркорлиги, халқаро таълим, давлат бошқарувида истеъдодли кадрларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя ҳамда маънавий тарбия билан боғлиқ қатор ташаббуслар илгари сурилди. Бу ташаббуслар бугунги кун эҳтиёжларига жавоб бериш билан чекланмай, узоқ истиқболни қўзлаган тараққиёт моделининг узвий қисми ҳамдир.

Мустаҳкам пойдевор

Ҳар қандай ислохотнинг умрбоқийлиги, аввало, қулайлик ҳаётга қанчалик чуқур кириб боргани билан белгиланади. Кейинги даврда ёшлар сиёсати ҳам айнан шу меzon асосида янги мазмун касб этмоқда. Хусусан, ёшлар билан ишлаш алоҳида кампаниялар ёки маълум саналарга боғланган тадбирлар доирасидан чиқиб, давлат бошқарувининг узлуksиз фаолият юритидаги тизимига айланди. Маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолиятининг йўлга қўйилгани, ҳар ҳафтагини пайшанба кунин “Ёшлар кунин” сифатида белгилангани вазиrлик ва идоралар эътиборини бевосита ёшлар ҳаётига қаратди.

Яратилган тизим қисқа фурсатда аниқ натижаларини берди. “Ёшлар дафтери” орқали 1,5 миллион йигит-қизнинг турли масалалари ҳал этилди. Мингглаб oilаларнинг турмуш шароити яхшилانгани, таълим олиш, иш топиш, касб эгаллаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг ўсиши таълим ва илмий имкониятлар ҳам айна тизим самарасидир. Мухими, давлатнинг ёшлар билан мулоқоти мурожаат келишини кутадиган тартибдан уларнинг эҳтиёжини олдиндан аниқлайдиган фаол механизмга кўчди.

Олиб борилган ишлар иқтисодий фаолликда ҳам яққол кўринмоқда. Сўнгги йилларда ёш тадбиркорлар сони беш баробар ўсиб, 287 мингдан ошди. Шунингдек, ёшлар салоҳиятини ўсиши таълим ва илмий ютуқларда ҳам намoён. Бугунги кунда 3,5 миллион йигит-қиз хорижий тилларни чуқур ўрганмоқда. Иқтидорли ўқувчи ва талабалар нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 434 та медалини қўлга киритди. Ёш спортчилар эса халқаро мусобақаларда 2245 та медал билан юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Учрашувда Президентимиз эришилган ана шу натижаларни янги босқич учун таянч сифатида баҳолади. Давлатлар ўртасидаги рақобатнинг мазмунини тубдан ўзгартириб бораётган бир шароитда устуллик билим, технология ва инсон капитални билан белгиланаётгани таъкидланди. Шулардан келиб чиққан ҳолда қатор йўналишлар кесимида муҳим вазифа ва ташаббуслар илгари сурилди. Қўйида уларнинг аҳамияти, зарурати ва миқёси ҳақида мухтасар фикр юритишнинг мақсад қилдик.

Тараққиёт сармояс

Меҳнат бозори доимий равишда янгиланаётган кўникмаларни, замонавий технологияларни ўзлаштирган, амалий тажрибага эга мутахассисларни талаб қилаётгани сир эмас. Шу сабаб мамлакатимизда таълим

Ёшларни ягона мақсад атрофида бирлаштириш ва уларнинг фаоллигини рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон ёшлар лигаси” платформаси ишга туширилади. Мазкур тизим орқали таълим, илм-фан, тадбиркорлик, касбий ривожланиш ва жамоатчилик фаолиятидаги натижалар баҳоланади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

Янги Ўзбекистон бунёдкорлари



ВАТАН УЧУН ҚАНОТ БОҒЛАБ УЧАЙЛИК!



тўсиқларни қисқартириш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Касб ўрганиш, ишга жойлашиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича хизматларни бир жойда тақдим этадиган тегишли хаблар айнан шу мақсадга хизмат қилади. Дастлаб Сурхондарё вилоятида синов тариқасида йўлга қўйиладиган мазкур тажриба кейинчалик бошқа ҳудудларда ҳам жорий этилади. Турли идоралар ўртасида сарсон бўлиш ўрнига барча зарур хизматларнинг ягона манзилда жамланиши ёшларнинг вақти ҳамда имкониятларини тежаси тайин.

Ёшлар тадбиркорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда Банк-моллия академиясига алоҳида вазифа юклатилмоқда. Академия ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб тайёр бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқади, Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси эса юқори даромад келтирадиган, қўллаб иш ўринлари яратишга қодир ташаббусларга 5 миллиард сўмгача инвестиция киргатади. Мазкур тизим камиди 300 минг нафар ёшнинг ўз бизнесини йўлга қўйишига қўмаклашиши кўзда тутилган. Бу ёндашув ёшларни иш изловчи сифатида тарбиялаш йўлидан иш ўрни яратувчи кучга айлантириш ғоясига таянади. Зеро, иқтисодий тараққиётнинг бугунги талаби ҳам айнан шуни тақозо этмоқда.

Дунёга юзланган авлод

Асримизда давлатларнинг халқаро майдондаги нуфузи кўп жиҳатдан уларнинг қандай махсулот ишлаб чиқараётгани билангина эмас, қандай ғоя тақдир қилаётгани, ўз маданияти ва илмий салоҳиятини дунёга қай даражада танита олаётгани билан ҳам баҳоланмоқда. Бу жараёнда энг фаол коммуникациялар, табиийки, ёшлар ҳисобланади. Чет тилларни биладиган, турли маданий муҳитларда бемалол мулоқот қила оладиган, замонавий ахборот маконининг қонунчиликлари тўшунадиган авлод мамлакатнинг ўзинга хос “юмшоқ куч” ресурсидир. Шу нуқтанга назардан, бугунги ёшлар сиёсати ички тараққиёт билан бир қаторда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги интеллектуал ва маданий иштирокини кенгайтиришда ҳам муҳим ўринга эга.

Бугунги кунда хорижий тилларни мукамал эгаллаган 650 мингдан ортиқ йигит-қиз салоҳиятидан мамлакатимизнинг бой тарихи, бебаҳо маданий мероси, туризм салоҳияти ҳамда экспорт имкониятларини халқаро аудиторияга етказишда самарали фойдаланиш бўйича мутлақо янги ёндашув тақдир этилди. Айни мақсадда рақамли контент платформаси ишга туширилиб, ҳар йили 20 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Сир эмаски, дунёда тобора кучайиб бораётган рақамли дипломатия шароитида сифатли мультимедиа махсулотлари, тахлил материаллар, видеоқонтент ва креатив лойиҳалар мамлакат имижини шакллантиришнинг муҳим воситаларидан бирига айланган. Ёшларнинг ишга жараёндаги фаол иштироки юртимиз ҳақидаги тасаввурларни замонавий коммуникация воситалари орқали бойитиши лозим.

Жаҳон амалиётда “brain circulation” — билим ва тажрибанинг эркин алмашинуви тамойили тобора кенг қўлланмоқда. Бундай

модель юқори малакали кадрлар салоҳиятини миллий ривожланиш манфаатлари йўлида сафарбар этишда муҳим восита сифатида эътироф этилади. Халқаро таълим макониди тахсил олаётган ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ташаббуси эса ушбу тенденциянинг бундан буён бизда ҳам амалиётга таъбиқ этилишини аниглади. Англия кўра, етакчи хорижий олийгоҳларда ўқиётган 14 мингдан ортиқ талаба таътил даврида вазиrликлар, ҳокимликлар, давлат ташкилотлари ҳамда хусусий компанияларда амалиёт ва стажировка ўташи учун махсус рақамли платформа йўлга қўйилди. Ушбу тизим ёшларнинг хорижда орттирган билим ва тажрибасини мамлакат тараққиёти билан боғлаш имконини беради.

Яна бир эътиборга молик жиҳат “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятининг янги йўналиши билан бойитилишидир. Эндиликда хусусий сектор буюртмалари асосида ҳам ёшларни дунёнинг нуфузли олий таълим муассасаларига юбориш мумкин. Мазкур механизм меҳнат бозорининг реал эҳтиёжлари билан халқаро таълимни ўзаро боғлайди. Натижада иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўзинга зарур мутахассисларни тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этиш имконига эга бўлади.

Рақамли тафаккур ва сунъий интеллект

Сунъий интеллект, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, рақамли хизматлар ва юқори технологиялар иқтисодий ўсишнинг асосий драйверлари қаторидан жой олмақда. Жаҳоннинг етакчи давлатлари миллиярдлаб доллар инвестицияларини айнан шу йўналишларга йўналтираётгани бежиз эмас. Бу жараёнда ёшлар энг фаол иштироки, янги технологияларни тез ўзлаштирадиган ва амалиётга таъбиқ этадиган асосий куч сифатида майдонга чиқмоқда. Шу боис, рақамли иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлаш масаласи стратегик устуворлик даражасига кўтарилди.

Илгари сурилётган ташаббуслар ушбу йўналишнинг мутлақо янги босқичга қираётганидан далolat беради. Хусусан, “Рақамли ҳукумат” марказида мамлакатимиздаги илк суперкомпьютер кластерининг ишга туширилиши илмий изланишлар ва мураккаб ҳисоб-китобларни бажариш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирмоқда. Келгуси йилда унинг қувватини уч баробар ошириш режалаштириляпти. Шу билан бир қаторда, жорий йилнинг ўзида 20 та олий таълим муассасасида сунъий интеллект лабораториялари ташкил этилиши ёш тадқиқотчилар ва талабаларга илгор технологиялар билан бевосита ишлаш имконини беради. Мухими, ушбу лабораториялар фақат ўқув майдони эмас, ҳудудлар ва тармоқлардаги долзарб муаммоларга инновацион ечимлар ишлаб чиқиладиган илмий-амалий платформа сифатида фаолият юритади.

Рақамли трансформация жараёнида инфратузилманинг кенгайиши ҳам муҳим ўрин тутди. Янги АТ паркларининг барпо этилиши ҳисобидан 20 мингдан ортиқ йигит-қиз учун юқори даромадли иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Бу ташаббус ахборот технологияларини мамлакат иқтисо-

диётининг янги ўсиш нуқталаридан бирига айлантиришнинг мақсад қилган. Шу билан бирга, “Менинг биринчи компьютерим” дастури орқали эҳтиёжманд oilалардаги 10 минг нафар ёшга ноутбук харид қилиш учун қўмак берилиши рақамли тенгликни таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири.

Қолаверса, кадрлар тайёрлаш тизимида мазмун жиҳатидан янги ёндашув шаклланоқда. Ахборот технологиялари ва сунъий интеллект йўналишларида тахсил олаётган талабалар учун дуал таълим моделининг кенгайтирилиши назария билан амалиёт ўртасидаги узвий боғлиқликни кучайтиради. “Мухаммад ал-Хоразмий” номидаги давлат стипендияси ҳамда иқтидорли қизлар учун таъсис этилган “Мухандис қизлар” стипендияси илмий салоҳиятни рағбатлантиришга хизмат қилади. Халқаро фан олимпиадалари ғолибларига берилаётган 1 миллиард сўмлик мукофотнинг эндиликда сунъий интеллект бўйича халқаро олимпиадалар совриндорларига ҳам таъбиқ этилиши эса ушбу йўналиш давлат миқёсида алоҳида устувор аҳамият касб этаётганидан далolat.

Рақамли маконда миллий манфаатларини илгари суриш масаласи ҳам эътибордан четда қолмапти. АТ паркларда компьютер ва мобил ўйинлар ишлаб чиқувчилар учун инкубацион марказлар ташкил этилиши, ҳар йили миллий руҳни акс эттирадиган камиди 20 та ўйин яратиш бўйича давлат буюртмаси берилиши креатив иқтисодиёт имкониятларидан самарали фойдаланишда қўл келади. Компьютер ўйинлари миллиярдлаб инсонларни қамраб оладиган глобал маданий махсулотга айланган. Ана шундай майдонда миллий тарих, қадрият ва қаҳрамонлик тизимларини замонавий форматларда намойиш этиш ёш авлоднинг дунёқарашини бойитиш билан бирга ватанимиз маданий салоҳиятини халқаро аудиторияга етказишнинг таъсирчан воситаларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Рақамли технологияларни пухта эгаллаш, сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш ёки замонавий муҳандислик кўникмаларини ривожлантириш ўз-ўзидан яқуний мақсадни ифодаламайди. Ушбу салоҳият янги ғоя, янги махсулот ва бизнес ечимлари орқали иқтисодиётда амалий натижа берган паллада ҳақиқий қиймат касб этади. Замонавий дунёда иқтисодий ўсишнинг муҳим қисми айнан инновацион экотизимлар ҳисобида таъминланмоқда. Бир вақтлар кичик талабалар лойиҳаси сифатида иш бошлаган қўллаб-қувватлаш қўлали хизмат қиладиган “Ташаббуслар офиси” фаолияти билан янада бойитилмоқда. Ушбу мақсадлар учун 50 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, ўз олдига аниқ мақсад қўйган, меҳнат қилишдан қўчимайдиган, билимини мунтазам бойитиб борадиган ёшлар мамлакатимизнинг бугуни ва эртаси, таянч нуқтасидир. Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари ҳам ана шу изланувчан, ташаббускор ва Ватан равнақи учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган ёшлар. Уларнинг билим ва салоҳиятига таяниб амалга оширилаётган кенг қўлали ислохотлар юртимизни янги марралар сари етаклайди. Бундай ишлов ва эътибор эса ҳар бир ёшнинг фақат ўз келажаги учун эмас, халқ ва давлат истиқболи учун ҳам масъул эканини чуқур англашга ундайди.

ДАВР
НАФАСИ

3

2026 йил 25 июль, 150-сон



бориши зарур. Шу боис, барча соҳаларга янги ғоя олиб қирадиган стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлаш стратегик вазифа.

Мазкур йўналиш бўйича шаклланган пойдевор ҳам эътиборга молик. Сўнгги тўққиз йил давомида мамлакатимиз стартап экотизими 15 баробар ўсиб, 4 миллиард доллардан ортиқ қийматга эга бўлди. Шу давр ичида 1200 дан зиёд истиқболли стартап лойиҳалари юзага келди. Янги босқичда ушбу жараён янада тизимли тус олади. Ҳар бир вазиr, тармоқ ҳамда ҳудуд раҳбарлари ўз фаолиятидаги долзарб масалаларни ёшларнинг инновацион ғоялари орқали ҳал этишга қаратилган “1 мингта масалага — ёшлардан 1 мингта ечим” лойиҳасини йўлга қўяди. Бу ёндашув бошқарув тизимида очиқ инновациялар тамойилини кенг жорий этиш имконини беради. Турли соҳаларда тўпланган амалий муаммолар истеъдодли ёшлар учун янги илмий изланишлар, стартаплар ва технологик ечимлар манбаига айланади. Ёшлар ишлари агентлиги томонидан бизнес, ахборот технологиялари ва креатив иқтисодиёт йўналишларидаги энг истиқболли 100 та лойиҳага 1 миллиард сўмгача инвестиция қилирилиши режалаштирилгани ушбу тизимнинг муҳим молиявий таъинини яратди.

Шунингдек, ёшлар билан ишлаш тизимида индивидуал ёндашув тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Ҳаётини шароити, oilавий аҳволи ёки тақдир тақозоси билан мураккаб вазиятга тушиб қолган йигит-қизларнинг жамиятдан узилиб қолишига йўл қўймаслик устувор вазифалар қаторида. Шу мақсадда ота-она қаромогидан маҳрум бўлган, ҳарбий хизматдан, миграция жараёнларидан сўнг юртга қайтиб келган, жазони ўтаб чиққан ҳамда жисмоний имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш учун “Кафолатланган биринчи қадам” пакети жорий этилмоқда.

Ижтимоий интеграция масаласи таълим муассасалари фаолиятида ҳам янгича мазмунга эга бўляпти. “Устоз — талаба” дастури доирасида узоқмаган ёшларга қўмаклашадиган талабаларини рағбатлантириш тизими жорий этилади. Шунингдек, ёшларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш ҳам мазкур сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири саналади. Айни мақсадда бешта йўналиш бўйича “ТОП-100” дастури амалга оширилади. Ғолиблар муносиб тақдирланиб, раҳбарлик лавозимларига тавсия этилади. Ҳар бир вазиrлик ва тармоқ ўз соҳасидаги истеъдодли ёшларни саралаб, халқаро ташкилотларга стажировка ўтатиш учун юборади. Йилига 2 минг нафар ёшнинг ана шундай дастурларда иштирок этиши режалаштирилган.

Ёшларни ягона мақсад атрофида бирлаштириш ва уларнинг фаоллигини рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон ёшлар лигаси” платформаси ишга туширилади. Мазкур тизим орқали таълим, илм-фан, тадбиркорлик, касбий ривожланиш ва жамоатчилик фаолиятидаги натижалар баҳоланади. Юқори кўрсаткичларга эришган ёшларга грантлар, контракт тўловлари бўйича имтиёзлар, касб ваучерлари, хорижий стажировкалар, имтиёзли кредитлар, ипотека имкониятлари ҳамда кадрлар захирасидан ўрин олиш имконияти тақдим этилади.

Мазкур йўналишдаги ташаббуслар “Ватан меҳри — ижтимоий ташаббуслар” танлови, ижтимоий хавф гуруҳидаги болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Қанот” лойиҳаси ҳамда “Ёшлар ташаббуслари марафони” давомида илгари сурилган ғояларни амалиётга таъбиқ этишга хизмат қиладиган “Ташаббуслар офиси” фаолияти билан янада бойитилмоқда. Ушбу мақсадлар учун 50 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, ўз олдига аниқ мақсад қўйган, меҳнат қилишдан қўчимайдиган, билимини мунтазам бойитиб борадиган ёшлар мамлакатимизнинг бугуни ва эртаси, таянч нуқтасидир. Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари ҳам ана шу изланувчан, ташаббускор ва Ватан равнақи учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган ёшлар. Уларнинг билим ва салоҳиятига таяниб амалга оширилаётган кенг қўлали ислохотлар юртимизни янги марралар сари етаклайди. Бундай ишлов ва эътибор эса ҳар бир ёшнинг фақат ўз келажаги учун эмас, халқ ва давлат истиқболи учун ҳам масъул эканини чуқур англашга ундайди.

Қутбиддин БУРХОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Бу ёндашувнинг энг муҳим жиҳати шуки, хавфсизликка фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси эмас, балки давлат органлари, маҳалла, таълим муассасалари, оила ва кенг жамоатчилиكنинг ўзаро ҳамкорлиги асосида таъминландиган умуммиллий вазифа сифатида қаралмоқда.

Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан деярли ҳар йилнинг дастлабки кунларида айнан жамоат хавфсизлиги, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилиниши яхши анъанага айланди. Бу эса соҳага давлат сиёсати даражасида устувор аҳамият берилётганини англатади.

Президентимизнинг жорий йил 5 январдаги “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам ана шу тизимли ислохотларнинг мантиқий давомин бўлди.

Бу қарорнинг асосий мақсади маҳаллаларда ижтимоий профилактикани кучайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли муроса-таларига тезкор муносабат билдириш ҳамда ҳар бир маҳаллада хавфсиз ва барқарор ижтимоий муҳитни шакллантиришда иборат.


Энг муҳими, қарор фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тақомиллаштиришни эмас, балки маҳалла институтини кучайтириш, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, профилактика инспекторлари фаолиятини янги bosқичга олиб чиқиш ҳамда ҳар бир фуқарони хавфсизликни таъминлаш жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиришни назарда тутди.

Зеро, хавфсиз маҳалла фақат жиноят содир этилмайдиган ҳудуд эмас. Хавфсиз маҳалла болалар бемалол ўйнайдиган, ёшлар орзу-мақсадлари сари дарах интиладиган, хотин-қизлар ўзини ҳимояланган ҳис қиладиган, кексалар хотиржам ҳаёт кечирадиган, тадбиркор эртанги кунга ишонч билан инвестиция қирғатдиган, ҳар бир инсон ўзини эркин ва хавфсиз сезаётган ҳаёт муҳитидир.

Ана шу эзгу мақсадларга эришишда Олий Мажлис Сенати ҳам фаол иштирок этиб, қабул қилинаётган қарорларнинг жойлардаги ижросини парламент назорати асосида мунтазам ўрганиб, муаммоларни бартараф этиш ва қонунчилигини янада тақомиллаштириш бўйича аниқ чоралар кўрмоқда.

Парламент назорати — қарорлар ижросининг энг муҳим кафолати

Сўнгги йилларда Олий Мажлис Сенати томонидан жойлардаги ўрганишлар мутлақо янги bosқичга кўтарилди. Энди парламент назорати



фақат ҳисобот эшитиш билан чекланмай, ҳудудларга чиқиб, аҳоли билан мулоқот қилиш, мавжуд ҳолатни жойида баҳолаш, масъуллар фаолиятини таҳлил этиш ва қонунчиликни тақомиллаштириш учун амалий тақлифлар ишлаб чиқишни ҳам ўз ичига олмақда.

Бу ёндашув, айниқса, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида муҳим. Чунки хавфсизлик масаласида ҳар бир қарорнинг натижаси бевосита инсон ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият барқарорлиги билан боғлиқ.

Президентимизнинг 2026 йил 5 январдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг масъул қўмиталари Тошкент шаҳри туманларига бириктирилди. Хусусан, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси чекка Бектемир, Миробод ва Янгиҳаёт туманлари тушиди.

Мазкур туманларда қўмита раиси бошчилигида ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Улар таркибига сенаторлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, прокуратура, ички ишлар, солиқ органлари раҳбарлари, “маҳалла еттичилиги” ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари жалб қилинди.

Ишчи гуруҳлар фаолиятининг асосий мақсади рақамлар ортидаги ҳақиқий ҳолатни кўришдан иборат бўлди. Бунинг учун маҳаллаларда жиноятчилик ҳолати, профилактика ишлари, ижтимоий муҳит, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш тизими, видеокузатув камералари, домофонлар, “SOS” ташвиш тутма-лари, рақамли кузатув воситалари ҳамда профилактика инспекторлари фаолияти бевосита жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Энг муҳими, ҳар бир таширф очик мулоқот руҳида ташкил этилди. Маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари ва ёшлар етакчилари билан суҳбатлар ўтказилиб, аҳолини қийнаётган масалалар, амалдаги

Мазкур туманларда қўмита раиси бошчилигида ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Улар таркибига сенаторлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, прокуратура, ички ишлар, солиқ органлари раҳбарлари, “маҳалла еттичилиги” ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари жалб қилинди.

қонунчиликда учраётган бўшлиқлар ҳамда ҳуқуқий тартибга солишни талаб этаётган масалалар муҳокама қилинди.

Бу эса парламент назоратининг яна бир муҳим вазифаси — қонунчиликни амалиёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Президент қарорлари ижросини таъминлаш ва жамоат хавфсизлиги соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида халқ депутатлари Миробод, Бектемир ва Янгиҳаёт туманлари кенгашларининг сенаторлар иштирокига қўшма сессиялари мунтазам ўтказилмоқда.

Ушбу сессияларда туман ҳокимлари, ички ишлар, прокуратура, солиқ, маҳалла ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ахборотлари эшитилиб, Президент ҳужжатларига белгиланган вазифалар ижроси, маҳаллалардаги криминоген вазият, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактика ишлари самарадорлиги ҳамда аниқланган муаммолар юзасидан танқидий муҳокама қўйилмоқда. Муҳокама қўйилган бўйича ҳар бир масала кесимида аниқ вазифалар ва ижро мuddатлари белгиланиб, депутатлик ҳамда парламент назорати остига олинмоқда.

Бу эса масъуларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш, идораларга ҳамкорлигини кучайтириш, қабул қилинган қарорларнинг жойларда тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш, энг муҳими, аҳолини қийнаётган муаммоларга тезкор ва манзилли ечим топишда ижобий самарасини бермоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан Янгиҳаёт туманида кенг кўламли ўрганишлар ўтказилди. Натижалар кўрсатдики, профилактика тадбирлари ва маҳаллалардаги манзилли ишлар натижасида олдини олиш мумкин бўлган

жиноятлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайган.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ҳам сезиларли қисқарган. Энг муҳими, хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар қарийб 79 фоиз, ёшлар жиноятчилиги эса 54,5 фоиз камайгани профилактика ишлари тўғри йўлга қўйилганини кўрсатади.

Туманда жами Face-ID ва давлат рақам белгиларини автоматик аниқлайдиган 236 та интеллектуал камера ўрнатилган, юзлаб домофонлар ва “ташвиш тутмалари” ишга туширилгани хавфсизлигини таъминлашнинг мутлақо янги bosқичига ўтилганидан далолат беради.

Миробод туманида ҳам ишчи гуруҳ томонидан доимий ўрганишлар ўтказилди. Бу ерда энг эътиборли жиҳатлардан бири рақамли технологиялар самарали жорий этилганидир.

Хусусан, 105 мингдан зиёд фуқаро “Менинг инспекторим” мобил иловасига улангани натижасида профилактика инспекторлари билан аҳоли ўртасида тўғридан тўғри алоқа йўлга қўйилди. Натижада “102” хизматига тўшаётган қўнлик муносабатлар сони сезиларли даражада қисқарди.

Бектемир туманида эришилган натижалар алоҳида эътиборга лойиқ. Бугунги кунда туманда “қизил” тоифадаги бирорта ҳам маҳалла мавжуд эмас. Бу — маҳалла тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик ҳамкорлиги самараси.

Туманда воғта етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 60 фоиз, ёшлар жиноятчилиги 54,5 фоиз, аёллар жиноятчилиги 78,6 фоиз камайди. Шунингдек, юзлаб видеокузатув камералари, домофонлар ва техник қўриқлаш воситалари ўрнатилиши натижасида ўғирлик жиноятлари ҳам сезиларли қисқарди.

Бу рақамларнинг ҳар бири ортда инсон тақдирини муҳажасман. Масалан, ёшлар жиноятчилигининг ярмидан кўпроққа камайиши юзлаб



йигит-қизларнинг жиноят йўлига кирмай, таълим олиш, касб эгаллаш ва жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиб камол топиши учун имконият яратилганини англатади.

Хотин-қизлар жиноятчилигининг кескин қисқариши эса юзлаб оилаларда соғлом маънавий муҳит қарор топаётгани, ижтимоий муҳофаза ва профилактика ишлари самара бераётганининг амалий исботидир.

Статистик рақамлар яна бир ҳақиқатни тасдиқлайди: хавфсизликка сарфланган ҳар бир маблағ, ўрнатилган ҳар бир камера, профилактикага ажратилган ҳар бир соат келгусида юзлаб ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, инсон ҳаёти ва мол-мулкни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, профилактикага асосланган тизим ҳар қандай жиноятга қарши курашнинг энг самарали йўлидир. Бектемир, Миробод ва Янгиҳаёт туманларида қилинаётган ишлар айнан шу таъмоилининг амалдаги натижасини яққол намоён этмоқда.

Жиноятчилик статистикасидаги ҳар бир камайиш фақат рақам эмас. Бу бузилмай қолган бир оила, жабр кўрмаган бир инсон, йўқотилмаган мол-мулк, етим қолмаган бир фарзанд деганидир.

Хавфсизлик — иқтисодий тараққиёт, инвестиция ва фаровон ҳаётнинг асосий омили

Айримлар жамоат хавфсизлиги фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ёки жиноятчиликка қарши кураш билан боғлайди. Аслида, хавфсизлиكنинг қамрови анча кенг. У мамлакат иқтисодиёти, инвестиция муҳити, тадбиркорлик фаолияти, туризм салоҳияти ва энг муҳими, инсонларнинг кундалик ҳаёт сифатига бевосита таъсир қўрсатади.

Шунинг учун дунё таърибасида хавфсизлик иқтисодий ўсishнинг асосий шартларидан бири сифатида эътироф этилади. Инвестор, тадбиркор ёки сайёҳ, аввало, бир саволга

жавоб излайди: “Бу ҳудуд хавфсизми?”. Ана шу саволга ижобий жавоб бўлгандагина инвестиция киритилади, янги ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилади, меҳмонхоналар қурилади, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланади.

Ҳуқуқбузарлик камайган жойда тадбиркор бизнесини кенгайтиришдан чўчимади. У янги иш ўринлари яратади, маҳаллий бюджетга кўпроқ солиқ тўлайди, иқтисодий фаоллик ортади. Бу эса аҳоли даромадлари ўсиши, ижтимоий инфратузилма ривожланиши ва ҳаёт сифати яхшиланишига хизмат қилади.

Айниқса, маҳалла даражасида хавфсиз муҳитнинг шаклланиши ҳар бир оиланинг кундалик турмушида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқаради. Кечки пайт болаларнинг бемалол спорт майдончасида ўйнаши, ота-оналарнинг хотиржамлиги, кексаларнинг эркин сайр қилиши, тадбиркорнинг ўз мулкни хавфсизлигига ишонishi — буларнинг барчаси хавфсизлиكنинг инсон ҳаётидаги амалий инфo-дасидир.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Хавфсиз маҳалла” таъмоилининг мазмун-моҳияти айнан шунда. Бу ташаббус фақат жиноятчиликни камайитиришни эмас, балки инсон учун қўлай, осойишта ва барқарор яшаш муҳитини яратишни назарда тутди.

Бугунги глобал рақобат шароитида туризм соҳасида муваффақият қозониш учун бой тарихий мерос ёки бетакрор табиатнинг ўзи етарли эмас. Сайёҳлар мамлакат танлашда, биринчи навбатда, унинг хавфсизлигига эътибор қаратади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон хавфсиз, очик ва меҳмондўст давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида бора мустаҳкам нуфуз қозонмоқда. Бу, ўз навбатида, туризм соҳасининг жадал ривожланишига кучли туртки бермоқда.

Агар 2016 йилда мамлакатимизга қарийб 2 миллион хорижий сайёҳ таширф буюрган бўлса, 2025 йил якунига келиб, 12 миллионга яқинлашди. Қисқа вақт ичида сайёҳлар оқимининг қарийб олти баробар ошиши юртимизда хавфсиз ва қўлай муҳит яратиш, транспорт, меҳмонхона ва сервис инфратузилмасини тақомиллаштириш, энг муҳими, тинчлик ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида юритилаётган изчил давлат сиёсатининг амалий натижасидир.

Энг муҳими, бундай тизимлар фуқароларнинг осойишта ҳаётини таъминлаш, тадбиркорлик ва инвестиция учун ишончли муҳит яратиш ҳамда маҳаллий ва хорижий меҳмонларда Ўзбекистоннинг хавфсиз давлат экани ҳақидаги ижобий тасаввурни янада мустаҳкамламоқда.

Хулоса ўрнида

Бугун юртимиздаги ислохотлар натижасида хавфсизликни таъминлаш мутлақо янги bosқичга кўтарилмоқда. Парламент назорати, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги, рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиш ва аҳоли билан очик мулоқотга таянган мазкур тизим янги Ўзбекистон тараққиётининг мустаҳкам таянчи бўлаётди.

Бектемир, Миробод ва Янгиҳаёт туманларида қилинаётган ишлар бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади: хавфсизликка эришиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эмас, балки давлат идоралари, маҳалла, таълим муассасалари, тадбиркорлар ва энг аввало, фуқароларнинг ҳамжамияти билан таъминланади.

Биз учун энг катта ютуқ ҳар бир маҳаллада, хонадонда инсоннинг ўзини хавфсиз хис қилиши, фарзандларимизнинг мусаффо осмон остида камол топиши, юртимизда тинчлик ва барқарорликнинг янада мустаҳкам қарор топишидир. Зеро, тинчлик ва хавфсизлик бор жойда тараққиёт, фаровонлик ва инсон қадри юксалади.



Обод манзиллар

Зангиота туманидаги Гулбоғ маҳалласида барпо этилган намунавий уйлардан бирига оилам билан кўчиб келганимизга роппа-роса ўн йил бўлди. Яхши эслаيمان, ўша пайтлари маҳаллага элтувчи асосий йўллар ўнқир-чўнқир, ёғингарчилик пайти кўчаларда сув тўпланиб катта-катта қўлмақлар ҳосил бўларди. Айниқса, қишда бу ерлардан ўтиш азоб эди.



2015 йили фойдаланишга топширилган намунавий лойиҳа асосидаги 148 хонадон эгалари айни муаммодан азият чекарди. Чунки улар учун янги қурилган ички йўллар бундан-да абгор аҳволда бўлган.

Сир эмас, маҳаллага бирин-кетин кўчиб келган бир каби янги оила аъзолари бу сингари ноқулайликлар туфайли пойтахтдаги ўқиниш ва ишга бориб-келишда қийинчиликларга

дуч келарди. Бундан ташқари, фарзандини болалар боғчасига бериш истагидаги ота-оналар анча йўл юриш, вақт ва маблағ сарфлашига тўғри келарди. Маҳалламизда аҳоли сони ошиб бориши, Тошкент шаҳрига туташ ҳудудда яшашимизга қарамай, ички кўча ва йўлларимиздан енгил автомобиллар кам ўтарди, автобус қатновини тасаввур эта олмасдик.

Йиллар ўтди. Муаммолар навбати билан бартараф этила бошланди. Дастлаб ички кўчаларимиз бетонлаштирилди. Кейинроқ интернет хизматлари кириб келди.

“Турли соҳаларда амалга ошираётган ислохотларимизнинг натижалари, юртимизда юз бераётган ўзгаришлар самараси, аввало, маҳаллаларда, у ерда яшаётган одамларнинг кайфиятида намоён бўлади”, деган эди давлатимиз раҳбари. Шу маънода айтиш мумкинки, бугун “Гулбоғ” МФЙда яратилган кўлпак ширин, имкониятлардан одамлар рози.

Йўл-йўлакка маҳалла идорасига кирар эканман, “еттилик” вакиллари қизгин иш устида эканига гувоҳ бўлдим. “Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йигини раиси Саодат Патхидинованинг қайд этишича, давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 июндаги “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони “еттилик” фаолиятини янгилаш ташкил этишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

— Ёшларимиз жуда фаол, — дейди маҳалладаги ёшлар етакчиси Гавҳар Солихова. — Бир юз саксондан зиёд йигит-қизларимиз мамлакатимизнинг етакчи олий таълим муассасалари, ўн нафарга яқини эса хорижда таҳсил олмақда. Улар билан онлайн мулоқотда бўлиб турамиз, муаммолари ва қизиқишларини ўрганамиз. Бундан ташқари, ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш чорасини кўрапмиз. Янги ташаббус ва лойиҳалар билан мурожаат қилганларга кўмак бериляпти. Чет тилларини ўрганишга мойиллиги юқори бўлган йигит-қизларнинг бепул тил ўрганишига ердмлашимоқда. Шу кунларда кам таъминланган оилалар фарзандлари учун бепул тикувчилик курси очилди.

Маҳалладан “Тошкент индекс” савдо марказига автобус қатнови мунтазам йўлга қўйилгани аҳоли учун катта қўлайлик яратди. Қўнчилик гулбоғликлар қатори мен ҳам ҳар кунни ушбу йўналишдан фойдаланиб, Тошкент ер усти метро бекатига етиб оламан. Бугун ҳам эрталабдан ишга бориш учун маҳалламиздаги шўхбекатга чиқдим. Ун чоғли одам бор экан. Маҳалладошларим кўзаларини уларнинг бугунги тинч ва осойишта, фаровон ҳаётдан шўхроналик ҳиссини илғаш қийин эмас.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас, бекатга келган автобустга чиқдим. Эътиборлиси, автобус салони салқин, у кўзга-қўнғир билан бир мuddат хаёл чўлдади. Ўн йилча аввал ушбу бекат ва маҳалламиздаги намунавий уйлариинг ўрни очик дала бўлгани, бу ерларда қўлпўнғи етиштирилган пайтлар ёдимга тушди. Кейинги 8-9 йил мобайнида ушбу ҳудуд орқали ҳар кун ишга қатнаганим, Тошкент вилоятининг Зангиота, пойтахтимизнинг Сергели ва Янгиҳаёт туманларида мингдан ошиқ кўп қаватли уй қурилиш жараёнлари, қўллаб-қўллаб янги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, боғ-роғлар, ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда турли ташкилот ва идораларнинг бинолари, юзлаб хизмат кўрсатиш ва инфратузилма объектларининг барпо этилишига гувоҳ бўлганман.

Бундан ташқари, меҳмонхоналар, кўприклар, ички ва умумфойдаланув йўллари қурилиб, бекат ва шўхбекатлар, йўл ўтказгичлар қад ростлади, янги транспорт йўналишлари очилди.

Тарихан қисқа вақт ичида амалга оширилган мазкур ишлар ҳақида гапириш, хаёл



суриш ва ёзиш осон. Юзлаб, минглаб демайлик, бир оилани уйли қилиш, бир оиланинг фаровон турмушини таъминлаш, битта боғча ёки мактаб қуриш ва уларда сифатли таълим-тарбияни ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, янги турар жой массивларида аҳоли ва меҳмонлар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш озмунча меҳнат ва маблағ талаб этмайди. Муҳими, бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимиз жорий йил 4 июль кунини Сергели туманига таширфи чоғида ҳудуддаги бу каби бунёдкорлик ишлари, амалга оширилаётган янги лойиҳалар билан танишди. Юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган янги ташаббусларни илгари суриди.

Мени бир савол ўйга толдиради: бир неча йил аввал мазкур Тошкент ер усти метроси қурилмаганида нима бўларди? Тасаввур қилайлик, ушбу ер усти метро бекатлари ён-atroфи, жумладан, Сергели ва унга туташ ҳудудлардан пойтахт маркази ва туманларига ўқиниш ва ишга жамоат транспортда қатновчи аҳоли қандай ноқулайлик, тирбандликларга дуч келарди? Улар қанча вақт ва маблағ йўқотарди? Бундан ташқари, экологикга қанча зарар етарди?!

Ҳа, бугун бу каби саволларга жавоб бериш, ўтган кунини эслаш, айни масалалар бўйича ўйлаш, бош қотириш, тасаввур қилишни истамаймиз. Айримлар Тошкент ер усти метросига оддий иншоотдек қарайди. Аслида, бу — жуда катта маблағ ва меҳнат талаб қиладиган улкан бунёдкорлик объекти.

Кейинги йилларда бундай йирик объект ва янгилаштирилган кўриб кўзимиз ўрганди. Аслида, ҳеч нарсга ўз-ўзидан бўлмади. Шундай экан, буларга, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикка, фаровон ҳаётга шўхрона қилишимиз, унга оз бўлса-да ўз ҳиссамизни қўшишимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Холмурод САЛИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Янги авлод дарсликларининг анъанавий қўлланмалардан фарқи шундаки, уларда илк бор коммуникатив ёндашув тамойиллари тўла акс этган. Китоб саҳифаларидаги QR-кодлар орқали тақдим этиладиган аудио ва видеоматериаллар ўзбек нутқини табиий муҳитдагидек қабул қилишига ёрдам беради.



ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ Самарқандлик олимлар Польша тажрибасини ўрганмоқда



Шавкат ҲАСАНОВ, Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти ректори, профессор

Жорий йилнинг 12-17 июль кунлари институт вакилларидан иборат делегация Польшада хизмат сафарига бўлиб қайтди. Таширф доирасида Европа Иттифоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, агроинновация рақамли ҳамда инновацион технологияларни қўллаш, шунингдек, олий таълим соҳасида ўзаро тажриба алмашиш бўйича қатор стратегик келишувларга эришилди.

Талабалар учун ҳақ тўланадиган халқаро амалиёт базаси

Делегациянинг дастлабки таширф манзил халқаро аграр кадрлар тайёрлаш ва маҳсулот етиштиришда бой тажрибага эга “GREEN CROPS Polska Sp. z o.o.” компанияси бўлди. Компания томонидан амалга оширилаётган “AgriCool” халқаро илмий-таълим дастури Европа ва Марказий Осиёдаги олий таълим

муассасалари талабаларига Польшада ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш амалиётини ўташ, замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва халқаро тажриба орттириш имкониятини беради. Музокаралар чоғида институт талабаларини Польшада ишлаб чиқариш амалиётини жалб қилиш, битиривчилар ва профессор-ўқитувчилар учун 6 ойдан 12 ойгача бўлган малака ошириш дастурларини йўлга қўйиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Сафар давомида шу компанияда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган институт талабалари билан учрашув ҳам ташкил этилди. Институт раҳбарияти талабаларнинг яшаш ва меҳнат шaroитлари, иш ҳақи ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши билан яқиндан танишди. Талабалар орттираётган амалий кўникмалари ва замонавий боғдорчилик сирлари ҳақида сўзлаб берди. Самимий мулоқотда халқаро меҳнат маданиятини эгаллаш ва орттирилган тажрибани Ўзбекистон агроинновациялари ривожига сафарбар этиш бўйича маслаҳатлар берилди.

Делегациянинг “Gospodarstwo Ogrodnicze Wiktor Grochowski” боғдорчилик хўжалигига қилган амалий таширфи чоғида малина ва қўлпунай етиштиришда юқори технологиялар имкониятидан фойдаланиш афзалликлари ҳақида гапирилди. Халқаро стандартлар асосида иш юритувчи ушбу хўжаликда агродронлар ва томчилатиб сугориш тизимлари, рақамли мониторинг орқали ўсимликларни озиклантириш, автоматлаштирилган йиғим-терим ҳамда лазерли саралаш технологиялари кенг жорий этилган. Бу меҳмонларида катта таассурот уйғотди.

Самарқандлик олимлар ушбу илгор тажрибаларни вилоятнинг интенсив боғдорчилик ва резавор мевачилик тармонига татбиқ этиш юзасидан аниқ режаларни белгилаб олди. Шунингдек, мева ва сабзавотларни қайта ишловчи “GREEN FACTORY” корхонасида озик-овқат хавфсизлиги ва маҳсулот кузатувчанлиги тизими ўрганилди. “GREEN FACTORY” Польшада янги узилган сабзавот ва меваларни қайта ишлаш, саралаш, ювиш, қадоқлаш ҳамда йирик савдо тармоқларига етказиб беришга ихтисослашган юқори технологияли корхона ҳисобланади.

Корхонада барча жараён рақамли бошқарув тизими орқали назорат қилинади. Таширф

давомида маҳсулотларни автоматик саралаш бўйича роботлаштирилган қадоқлаш линиялари, маҳсулотлар сифатини лазер орқали назорат қилиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизими ҳамда маҳсулотларнинг тўлиқ кузатувчанлик тизими билан танишилди.



Юқори ҳароратга чидамли маккажўхори ҳамда соя навлари синондан ўтказилади

Хизмат сафари давомида Польша ва Германия ҳамкорлигида ташкил этилган машҳур “FARMASAT Saatzeit GmbH” селекция компанияси билан ҳам муҳим келишувга эришилди. Унга кўра, иқлим ўзгариши, қуրғоқчилик ва юқори ҳароратга чидамли маккажўхори ҳамда соя навлари Самарқанддаги тажриба майдонларида синондан ўтказилади.

Таширфининг сўнгги кунинда Ўзбекистон Республикасининг Польшадаги элчихонаси ва Польша — Осиё Савдо саноат палатаси вакиллари билан мулоқот бўлиб ўтди. Унда институт талабалари, магистрант ва докторантларининг

қайта тикланувчи энергия соҳасида янги имкониятлар эшигини очиши мумкин. Катта ғояларни амалга ошириш учун, албатта, катта шаҳар шарт эмас. Изланиш, билим ва ташаббус бор жойда тараққиёт ҳам бўлади. Қизилқумда яратилган асосида қуришга хизмат қилмоқда. Имтиёзли кредитлар нафақат янги бизнес бошлаш, балки фаолиятни кенгайтириш имконини ҳам бermoқда.

— Маҳалламизда 30 ёшгача бўлган 850 ёш истиқомат қилади, — дейди Навбахор тумани Навкар маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Дилдора Сувонова. — Уларнинг ҳар бири билан манзилли ишлар йўлга қўйилган. Ай-тайлик, ўтган йили 35 нафарнинг бандлиги таъминланган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида бу кўрсаткич 24 нафарни ташкил этди. Улардан 14 нафари доимий ишга жойлаштирилди, 8 нафарига имтиёзли кредит ажратилди ва субсидия асосида 2 нафарнинг бандлиги таъминланди. Асосий мақсадимиз яратиш берилаётган

— Бир қарашда кичик ташаббусдек туюлган бу иш бугун барқарор даромад манбаисига айланди. — Бу соҳада иш бошлаганимда билим ва тажриба йўқ эди, — дейди П. Худоёров. — “Маҳалла еттичилиги” яқиндан кўмак берди ва кўп йиллик асарларчиларни бириктирди. Ушбу йўналишда кўникмага эга бўлган, 50 миллион сўм имтиёзли кредит олдим ва икки қўти асалари усини 45 тага етказдим. Бундай ишининг

ўзига яраша машаққат ҳам, шунга яраша даромади ҳам бор. Асарларчилик сирларини ижтимоий тармоқлардан ҳам ўрганилган. Тажриба асарларчилик фаолияти ва тавсияларини доимий кузатиб бораман. Келгусида фаолиятини янада кенгайтириб, янги иш ўринлари очиш ниятдаман.

Тадбиркорлиқни йўлга қўйиб, нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам бандлигини таъминлашга ҳисса қўшаётган ёшларнинг келажака ишончи мустаҳкам, жамият тараққиётига хизмат қилишга шай. Боиси, иш излаган, ўз бизнесини бошлашни орзу қилган ёшлар бугун муаммолари билан ёлғиз қолмапти. Давлат томонидан яратилаётган имкониятлар, имтиёзли кредитлар, субсидиялар, касб-хўнарга ўқитиш дастурлари орқали уларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда.

— Маҳалламизда ҳозир 565 ёш истиқомат қилади, — дейди Хатирчи туманидаги Боғишлом маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Қосимжон Шоҳулов. — 2026 йилги хатлов жараёнида касбий таълимни ўтаган, миграциядан қайтган, олий таълимни битирган ёшларимиздан 18 нафарнинг ишсизлиги аниқланди. Улар билан сўхбат асосида имкони борица ўзларини қизиктирган соҳалар бўйича касб-хўнарга йўналтирилди. 8 нафарини тегисли йўналишда ўқитиб, сертификат бердик, 10 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди, бандлиги таъминланди. Бугун улар тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборган.

Польшанинг етакчи олмачилик ва интенсив боғдорчилик хўжаликларида амалиёт ўташ имкониятини кенгайтириш, Ўзбекистонда истикболли олма навлари генетик ресурсларини сақлашга қаратилган “ген банклари”ни ташкил этиш бўйича дастлабки ҳамкорлик лойиҳалари белгиланди.

Беш йиллик меморандум имзоланди

Илм-фан ва таълим интеграциясини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Тицианов давлат амалий фанлар университети жамоаси билан учрашув ўтказилди, музокаралар якунида икки олий таълим муассасаси ўртасида беш йилга мўлжалланган ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Меморандумга кўра, томонлар ўртасида профессор-ўқитувчилар ва талабалар академик алмашинуви (“Erasmus+”, “Horizon Europe”,

“NAWA”), икки томонлама қўшма диплом бериш дастурларини (Double Degree) ишлаб чиқиш, ёзиш ва қишки мактаблар, қўшма илмий тадқиқотларни ташкил этишга келишилди.

Шунингдек, институт делегацияси “Замонавий қишлоқ хўжалигида сифат тизимлари:

амалий нуқтани назар” мавзусидаги IV халқаро илмий конференцияда фалол иштирок этди. Институтимиз олимларининг Ўзбекистонда озик-овқат хавфсизлиги ва аграр таълимни модернизация қилиш мавзусидаги маърузалари Германия, Италия, Финляндия каби мамлакатлардан келган олимларда катта қизиқиш уйғотди. Қолаверса, мазкур хорижий мутахассис-олимлар институтда жорий йил сентябрь ойида ўтказилиши режалаштирилган илмий анжуманда ҳам иштирок этиш истагини билдирди.

Қисқаси, институтимиз делегациясининг Польшага хизмат сафари шунчаки танишув эмас, балки аниқ амалий натижаларга бой бўлди. Жаҳон стандартларини ўқув жараёнига интеграция қилиш, халқаро грантларни жалб этиш ва янги навларни синондан ўтказишга қаратилган бу каби ташаббуслар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янги рақамли ва инновацион босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Кредит, ер, касб-хўнарга ўқитиш ва иш билан таъминлашга қаратилган имкониятлар Навбахор туманида ҳам самара бermoқда. Мухими, бу ташаббус ёшларнинг даромадли меҳнат қилиши, ўз келажагини мустаҳкам пойдевор асосида қуришга хизмат қилмоқда. Имтиёзли кредитлар нафақат янги бизнес бошлаш, балки фаолиятни кенгайтириш имконини ҳам бermoқда.

— Маҳалламизда 30 ёшгача бўлган 850 ёш истиқомат қилади, — дейди Навбахор тумани Навкар маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Дилдора Сувонова. — Уларнинг ҳар бири билан манзилли ишлар йўлга қўйилган. Ай-тайлик, ўтган йили 35 нафарнинг бандлиги таъминланган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида бу кўрсаткич 24 нафарни ташкил этди. Улардан 14 нафари доимий ишга жойлаштирилди, 8 нафарига имтиёзли кредит ажратилди ва субсидия асосида 2 нафарнинг бандлиги таъминланди. Асосий мақсадимиз яратиш берилаётган

кенг имкониятлардан фойдаланиб, ёшлар бандлигини таъминлаш, ишсизликка тўлиқ барҳам бериш.

Ердан унумли фойдаланиш орқали даромад топиш имконияти бугун қўлпаб ёшлар учун муҳим тажриба мактабига айланмоқда. Ижара майдондан самарали фойдаланишни мақсад қилган Қосимбек Сайфуллаев ҳам келажака катта ишонч билан қарамоқда.

— Доимий даромадга эга бўлиш учун ерни ижарага олдим. Ойламин билан бирга қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиряпмиз, — дейди Қосимбек Сайфуллаев. — Ердан унумли фойдаланиш учун помидор уруғини экканмиз. Мўл ҳосил олиш мақсадида туну кун меҳнат қиляпмиз. Август-сентябрь ойларида 100 тоннага яқин ҳосил олишни режалаштиряпмиз.

Ёшлар бандлиги шунчаки иш ўрни эмас, балки инсоннинг эртанги кунга ишончи ҳамдир. Шу билан бирга, оила даромади, фарзандлар таълими, хонадон фаровонлиги демек. Бугун Навойида асарларчиликдан тортиб, узумчиликкача, тикувчиликдан тортиб, тиббётгача бўлган йўналишларда ёшлар ўз ўрнини топишти. Чунки имконият берилган жойда ташаббус туғилади, ташаббус бор жойда эса меҳнат ва даромад бўлади, камбағалликка ўрин қолмайди.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ОНА ТИЛИМИЗ ПАРВОЗИ

ЭЗГУ ТАШАББУС ВА САБЪ-ҲАРАКАТЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Ҳар бир миллат мавжудлиги, жаҳон цивилизациясидаги ўрни ҳамда тарихий қиёфаси, шубҳасиз, ўз тилига эътибори билан ўлчанади. Шиддатли глобаллашув даврида она тилимиз нуфузини ошириш, унинг бой маънавий хазинасини халқаро миқёсда намоён этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани айни ҳақиқат. Матнавий ислохотлар доирасида ўзбек тилини нафақат мамлакатимизда, бутун дунё ҳамжамиятида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Муносабат

Шу ўринда Президентимизнинг 2024 йил 12 январдаги “Хорижий давлатларда Ўзбекистон тарихи ва маданияти, ўзбек тили ва адабиётини ўрганишни кенг тарғиб қилиш орқали туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда мамлакатимиз нуфузини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори миллий қадриятларимиз, тарихимиз, адабиётимиз ва тилимизни замонавий технологиялар орқали халқаро аудиторияга тизимли ҳамда жозибадор етказиш йўлидаги муҳим қадам сифатида кутиб олинган эди. Бугунги кунда мазкур ҳужжат хорижликларга ўзбек тили ва маданий меросини ўргатишнинг янги, илмий-методик жиҳатдан мукамал тизимини ҳаётга татбиқ этиш имконини бermoқда. Бундай тизимли сабъ-ҳаракатлар она тилимизнинг халқаро майдондаги мавқеини янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Яқин-яқинда ўзбек тилини чет тил сифатида ўқитишнинг ягона миллий стандарти йўқлиги жиддий муаммолардан эди. Гарчи ақсарият олим ва методистлар алоҳида дарслик ҳамда қўлланмалар яратган бўлса-да, уларнинг айримлари қуруқ грамматик қоидаларга таяниб, замонавий технологиялар имкониятларидан йироқроқ эди. Мультимедиа ва рақамли ресурслар чекланган сабабли хорижликларга ўзбек тилини мустақил ҳамда қизиқарли шаклда ўзлаштириш анча қийин кечган. Энг ёмони, Умумевропа тилларини эгаллаш компетенциялари (CEFR) талабларига мос, оддийдан мураккабга йўналтирилган ва миллий қадриятларимизни тил билан уйғун ўргатувчи яхлит дарсликлар мажмуаси мавжуд эмасди. Бу бўлиқни тўлдирish ва тилимиз бутун дунё бўйлаб янграши учун пойдевор яратиш бугун миллий ўзлиқни асраш ҳамда уни халқаро майдонга ёйишдаги ҳаётини эҳтиёжлардан бирига айланди.


Шу эҳтиёжни теран аңлаган ҳолда университетимиз ҳузуридаги “Ўзбек мактаби” қатор ишлар қилмоқда. Жумладан, хорижликларга ўзбек тилини ўқитишнинг яхлит методик тизими ишлаб чиқилди. Изчил изланишлар натижа-сида халқаро стандартларга жавоб бериладиган А1, А2 ва Б1 даражалар учун ўқув дастурлари ҳамда янги авлод дарслик мажмуалари



Нузлия НОРМУРОВА, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректори, профессор

“Ўзбекшунослик” дастурига асосий ўқув материалли сифатида киритилди. Шунингдек, Италиянинг нуфузли Ка-Фоскари университети-нинг Осиё ва Шимолий Африка тадқиқотлари бўлими талабаларига ушбу дарсликлар орқали ўзбек тили ўргатилмоқда. Юртимизда фаолият юритаётган хорижий ёшлар ва дипломатларга тақдим этилган бу китоблар бугун маданиятимизнинг ўзига хос таширф қозонига айланб бораётди.

Рақамлаштириш асрида ўқув тизимининг замонавий технологиялар билан таъминланиши муваффақиятнинг асосий қадоли. Ушбу ўқув-методик тизимнинг илгор рақамли қисми сифатида “Uzacademy” платформаси ишга туширилди. Давлатимиз раҳбари қарори асосида яратилган платформа оддий тил ўргатиш сайти бўлибгина қолмай, халқимизнинг дунёқароши ва тарихини ақс эттирувчи ягона электрон экотизимдир. Унда юртимиз тарихи, адабиёти, санъати ҳамда бой анъаналарига оид илмий-оммабоп мақолалар, подкастлар, онлайн



яратилди. “Хорижликлар учун ўзбек тили” деб номланган бу дарсликлар биргина ўқув қуроли эмас, ўзбек халқининг маданий коди, маънавияти ва меҳмон-дўстлигини халқаро жамоатчи-ликка очиб берувчи маърифат элчисига айланди. Қўлланмалар тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзишдан иборат тўртта асосий тил кўникмаларини тизимли ривожлантиришга қаратилган амалий ёндашуви билан ажра-либ туради.

Янги авлод дарсликларининг анъанавий қўлланмалардан фарқи шундаки, уларда илк бор коммуникатив ёндашув тамойиллари тўла акс этган. Китоб саҳифаларидаги QR-кодлар орқали тақдим этиладиган аудио ва видеоматериаллар ўзбек нутқини табиий муҳитдагидек қабул қилишга ёрдам беради. Реал ҳаётини вазиятлар ҳамда жонли мулоқотларга қурилган топириқлар чет элликларни тил тўсигидан тезда халос этади.

Дарсликларда тил ва маданият тушуначалари ўзаро камбарчас боғлиқ ҳолда берилган. Халқимизнинг бой тарихи, анъаналари, урф-одатлари асосида китоблар мазмунини янада тақомиллаштирилди. Бугунга қадар мазкур қўлланмалар ёрдамида дунёнинг 30 дан ортиқ давлати-дан келган 700 дан зиёд хорижий ўзбек тилини ўзлаштиришга эришди. Ўрганувчилар сафида дипломатлар, халқаро ташкилотлар ходимла-ри, чет эллик профессор-ўқитувчилар, тадбир-корлар ва журналистлар борлиги она тилимиз нуфузи юксалиб бораётганини кўрсатади. Эътиборга молик жиҳати, бу дарсликлар Буюк Британиянинг Оксфорд университетидаги

маҳорат дарслари ва медиа-материаллар жамланган. Ти-зимдаги А1-Б1 даражалари бўйича онлайн курслар интер-актив дарслар ва меҳмон-дўстлигини халқаро жамоатчи-ликка очиб берувчи маърифат элчисига айланди. Қўлланмалар тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзишдан иборат тўртта асосий тил кўникмаларини тизимли ривожлантиришга қаратилган амалий ёндашуви билан ажра-либ туради.

Яратилган рақамли им-кониятлар қисқа вақт ичида амалий натижасини кўрсатди. Озарбайжон ва Тожикистондаги марказларнинг 35 аъзоси, Шанхай чет тиллар университети-нинг 6 талабаси ҳамда Оксфорддаги дастур-нинг 12 тингловчиси ўзбек тилини бошлангич ва ўрта даражаларда муваффақиятли ўрганиш-ди.

Истикболдаги режалар ўзбек тилини ўқи-тиш тизимини янада тақомиллаштириш йўли-да тутади. Хусусан, хорижликларга тилини мукамал ўргатиш мақсадида B2 ва C1 даража-лари учун ўқув дастурлари, янги дарсликлар, машқ дафтарлари ҳамда методик қўлланмалар яратиш устувор вазифалардан. “Uzacademy” платформасида ҳам юқори босқичлар учун тў-лиқ онлайн курслар йўлга қўйилди. Мухими шундаки, хорижликлар учун яратилган ушбу самарали тажриба эндиликда мамлакатим-из ичидаги аудитория эҳтиёжларига ҳам мослаштирилмоқда. Таълимни ривожланти-риш республика илмий-методик маркази билан ҳамкорликда юртимиздаги турли миллат ва-килларида давлат тилини ўргатиш бўйича дара-жалаштирилган методик мажмуалар ва рақам-ли ресурслар ишлаб чиқиш режалаштирилган. Умуман олганда, ўзбек тили ва маданиятини дунё миқёсда тарғиб қилиш бўйича яратилган ушбу тизим шунчаки таълимий лойиҳа эмас. Бу сабъ-ҳаракатлар замирида она тилимиз, бой тарихимиз ҳамда миллий ўзгирлигимиз қадр-қим-матини халқаро майдонда юксалтиришда мақ-сад ётибди. Ўзбек тили нуфузини асраш ва уни дунёга кенг ёйиш йўлидаги бундай амалий қа-дамлар келгусида халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамловчи асосий кучга айланади.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ



ФАҚАТ ИШ ТОПИШ ДЕГАНИМИ?

— Жорий йилнинг ўтган беш ойида вилоят-тимизда 11 минг 500 йигит-қизнинг бандлиги таъминланди, — дейди Навоий вилояти кам-бағаллиқни қисқартириш ва бандлик бош-қармаси бошлиғи Лутфулло Хайруллаев. — Уларнинг 964 нафари корхоналардаги бўш иш ўрнига жойлаштирилиб, 476 ёш ўқишга жалб қилинди, касб-хўнарга ўргатилди. Бундан ташқари, 13 нафарига ижарага ер ажратилди. Имтиёзли кредит асосида 342 ёшнинг бандли-ги таъминланди. Ҳар пайшанаб кунин раҳбар ва ёшлар учрашуви ташкил қилиниб, уларнинг муаммоси ўрганилмоқда. Ёшларимиз ҳам ўз

ўрнида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойда-ланишга ҳаракат қилмоқда.

Қизилқум кенгликларида, электр тармоқла-ри етиб бормаган ҳудудларда ҳам энергия ман-баисини ҳосил қилиш имконини берувчи инно-вацион қурилма яратилди. Ушбу иxtиро қўм-қол ва овлоқ жойларда яшовчи аҳоли, чорвадорлар ҳамда сайёр фаолият юритувчилар учун қулай ечим бўлиши кутулимоқда.

Мухими, бу ғоя ортида ёшларнинг билимга чанқоқлиги, изланувчанлиги ва юрт та-раққиётига дахлдорлик ҳисси мужассам. Бир қарашда оддий кўринган қурилма келажақда



Маъмура ЗОҲИДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси Ёш ижодкорлар
билан ишлаш бўлими масъули

Ўзбек адабиётининг тарихига назар ташласак, ижодкорларнинг тақдирида бурилиш асаган, қаламига қанот бағишлаган айрим даргоҳлар, масканлар, ижодий давралар, турли анжуманлар, баъзи учрашувлар, воқеалар ҳақидаги хотиралар, эътирофларни кўрамиз. Ана шундай муборак манзиллардан бири Зоминдир. Бу ном бутун фақат Жизза вилоятдаги сўлим тоғ бағридаги гўзал гўша эмас, балки ёш истеъодлар тақдирини белгилаб берувчи адабий мактаб сифатида ҳам алоҳида эҳтиром билан тилга олинади.

Республика ёш ижодкорларининг аънаваный Зомин семинарининг ўзига хослиги шундаки, у оддий танлов ёки ижодий кеча эмас. Бу ерда шеърлар, ҳикоялар, мақолалар, драмалар, бадний таржималар ва бошқа жанрлардаги асарлар муҳокама қилинади, таҳлил этилади. Энг муҳими, бир саф китобхонлар тарбияланади, уларнинг қалблари юксалади, ўзига танқидий қарай оладиган ижодкор шаклланади. Семинарининг мақсади ҳам айнан ёшлар қалбидagi истеъод учқунларини алангага айлантириш, бу истеъод йўқолиб кетмаслиги ё хиралашиб қолмаслиги учун кўп муталаа ва меҳнат қилиш зарурлигини аниқлаштириш.

2026 йилдаги семинар ҳам ана шу эзгу анъананинг мантиқий давоми бўлди. Зоминда 7-9 июль кунлари “Навойи кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятига қарашли оромгоҳда ўтказилган мазкур анжуманда юртимизнинг барча ҳудудларидан сараланган 136 ёш ижодкор иштирок этди. Улар шеърят, наср, бадний публицистика, таржима, болалар адабиёти, адабий танқид ва драматургия каби йўналишларда ижод намуналари билан иштирок этиб, устозлар сабоғидан баҳраманд бўлиш, тенгдошлари ижодини кузатиш имконига эга бўлди.

Зомин тоғлари сари йўл пойтахтдан, Адиблар хибонадаги Алишер Навоий ҳайкали пойидан бошланди. Иштирокчилар энг аввал мутафаккир шоир хотирасига эҳтиром кўрсатиб, пойига гул қўйди. Шу боис, ҳакамлар учун энг асосий мезон ёш қаламқаш асаридagi самимият, ички овоз ва эртанги катта ижодкорга айланиш имкониятини, йўлларини, машаққатини кўра билиш бўлди.

Зомин семинари йиллар давомида неча-неча машҳур шоир ва ёзувчиларини камолга етказди. Бу ерда бир вақтлар Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Азим Суюн, Муҳаммад Юсуф, Анвар Обиджон, Абдували Қўтбидин, Луқмон Бўрихон каби устозлар сабоқ берган бўлса, кейинги йилларда Усмон Азим, Хуришд Дўстмуҳаммад, Маматқул Ҳазратқулов, Назар Эшонқул, Уктам Мирзаёр, Кенесбой Каримов каби кўплаб таниқли ижодкорлар янги авлодга

Зомин анжумани ўзбек миллий адабиётининг келажаги, эртанги кун шоирлари, ёзувчилари, таржимонлари, драматурглари, танқидчи ва публицистлари камол топадиган буюк дарсхонадир.



Ёш ижодкорлар анжумани

ЗОМИН СЕМИНАРИ — МИЛЛИЙ АДАБИЁТНИНГ УЛУҒ ДАРСХОНАСИ

бир даврада ўтириб шеър муҳокама қилади, ҳикоянинг заиф ва кучли жиҳатларини бир-галикда таҳлил этади. Ана шу муҳитнинг ўзи ҳаётдаги энг катта сабоқдир.

Тадбирнинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ҳамда Жиззах вилоти ҳокими Улўғбек Мустафоев сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, ёш ижодкорлар учун кенг шароит ва имкониятлар яратиш борасидаги давлат сиёсатининг аҳамияти ҳамда янги давр ижодкорлари олдида турган масъулиятли вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси ва Қорақалпоғистон халқ шоири Кенесбой Каримов, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Маҳид ҳамда қатор таниқли устоз ижодкорлар ёш қаламқашларга самимий тилак ва ижодий ўнгитларини билдирди.

Чиқишларда бир умумий ғоя яққол сезилиб турди: мамлакат келажакни маънавийсиз тасаввур қилиб бўлмайди, маънавият танчани эса адабиётдир. Шунинг учун ҳар бир ёш ижодкор нафақат яхши асар ёзишни, балки халқнинг дарди ва орусини ҳис эта оладиган катта қалб эгаси бўлишни ўрганиши зарур.

Ушбу фикрлар Зомин семинарининг бутун руҳиятига ҳамроҳанг эди. Чунки бу масканда бўлажак ижодкорнинг шеър ёки ҳикоя ёзиш услубига эмас, ёш қалбларининг маънавий қиёфаси ҳам шаклланади. Биринчи кун яқинда очилган оғир остида устозлар ва ёшлар иштирокида анъанавий мушоира кечаси ташкил этилиб, унда шеърят байрами кўтаринки руҳда давом этди.

Семинарнинг иккинчи кунини тадбирнинг амалий-ижодий босқичига ўттирди. Ёш ижодкорларнинг истеъдоди ва интилишларини тўғри баҳолаш, касбий йўналиш бериш мақсадида таниқли ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар, журналистлар, таржимонлар ва драматурглардан иборат устозлар гуруҳлари шакллантирилди. Ҳудудий босқичлардан муваффақиятли ўтиб, республика босқичига саралаб олинган иқтидорли ёшлар билан жами 7 та асосий адабий йўналиш бўйича махсус шўъбаларга бўлиниб, “устоз-шоғирд” анъаналари асосида эркин мулоқот, жонли баҳслар ва чуқур таҳлиллар шаклидаги ижодий маҳорат дарслари ва семинар-тренинглар ўтказилди. Шу кунини семинар иштирокчилари учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султон иштирокида маҳорат дарси ташкил этилди.

Ҳакамлар ҳайъати учун ижодкорнинг китобхонлиги, фикрлаш маданияти, дунёқараш, сўзга муносабати муҳим аҳамият касб этади. Ахир истеъдодни аниқ мезонларга солиб бўлмайди. Уни фақат ҳақиқий ижодкорнинг қалби ҳис этади. Шу боис, ҳакамлар учун энг асосий мезон ёш қаламқаш асаридagi самимият, ички овоз ва эртанги катта ижодкорга айланиш имкониятини, йўлларини, машаққатини кўра билиш бўлди.

Зомин семинари йиллар давомида неча-неча машҳур шоир ва ёзувчиларини камолга етказди. Бу ерда бир вақтлар Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Азим Суюн, Муҳаммад Юсуф, Анвар Обиджон, Абдували Қўтбидин, Луқмон Бўрихон каби устозлар сабоқ берган бўлса, кейинги йилларда Усмон Азим, Хуришд Дўстмуҳаммад, Маматқул Ҳазратқулов, Назар Эшонқул, Уктам Мирзаёр, Кенесбой Каримов каби кўплаб таниқли ижодкорлар янги авлодга



маҳорат сирларини ўргатиб келмоқда. Демак, бу семинар авлодлар ўртасидаги мустақам ижодий кўприк вазифасини ҳам бажаради. Зоминга келган ҳар бир ёш ижодкор, энг аввало, ўзини синайди, қалами қай даражада пишганини, фикри қай даражада мустақиллигини, китобларни — жаҳон адабиётини, миллий адабиётимизни қанчалик муталаа қилаётганини аниқлайди. Бу ерда устозлар тайёр йўл кўрсатади, улар йўналиш беради, изланишга ундайди, қалб эшигини очади, қолганини эса ижодкорнинг ўзи топади.

Зомин семинарининг энг катта ютуғи шундаки, у ёш ижодкорни тайёр қилишга солмайди. Аксинча, унга ўз овозини топишига кўмаклашади. Чунки адабиётда ҳеч ким иккинчисининг такрори бўлиб яшай олмайди.



Ҳақиқий ижодкорнинг энг катта бойлиги унинг бетакорор овози, ҳаётга ўз нигоҳи, одамларга ўз муносабати ва сўзга ўз ишончидир.

Зоминда ҳар бир машғулот маъруза эмас, мулоқот тарзида кечади. Бу ерда устоз гапирди, шоғирд тинглади деган бир томонлама тартиб йўқ. Шеър ўқилади, ҳар бир мисра муҳокама қилинади. Ҳикоянинг композицияси, образлар тизими, тил хусусиятлари, публицистик мақоладаги фикр мантиғи, таржимадаги услубий ёндашувлар, мақол ва ҳикматлар таржималарида эътиборли жиҳатлар ҳақида эркин баҳслар юртилади. Ана шу баҳслар ёш ижодкорни фикрлашга, ўз асарига танқидий назар билан қарашга ўргатади.

ёки қофияси ҳақидагина эмас, балки ўқилган китоблар, жаҳон адабиёти, миллий адабиёт аънавалари ҳақида ҳам саволлар берди.

Семинарнинг иккинчи кунини иштирокчилар учун ана бир унутилмас тўхфа тайёрланган эди. Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ўтказиб келинатган “Сўз” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султон асари асосида саҳналаштирилган “Ялдо кечаси” саҳна асари семинар иштирокчиларида кучли таассурот қолдирди.

Бу оддий спектакль бўлмай, сўзнинг қудратини намойиш этувчи фалсафий саҳна бўлди. Саҳнадаги ҳар бир ҳаракат, ҳар бир сукут, ҳар бир диалог томошабинларни миллат қайғусига олиб кирди. Бугунги кун забардаст шоирлари шеърларини ўзи ўқиб берди. Таъсирчан шеърлар билан бойитилган намойиш, айниқса, ёш ижодкорлар учун катта сабоқ бўлди. Улар бадний сўзнинг китоб саҳифасидагина эмас,



саҳнада ҳам қандай улкан таъсир кучига эга эканини ана бир бор ҳис қилди. Сўз оддий мулоқот воситаси эмас, у — миллат хотираси, у — халқ виждони, инсон тақдирини. Агар сўз юксалса, миллат ҳам юксалади. Бу томоша ана шуларни ана бир бор барчага еслатади.

Эҳтимол, кимдир шу кечадан кейин драматургияга қизиқиб қолгандир, кимдир “Ялдо кечаси” китобини ўқиниш дилига тукқандир, кимдир шу мавзуда ҳикоя ёки шеър ёзишга...

Зоминнинг энг катта мўъжизаси ҳам шунда — у инсоннинг қалбини тўлдирди. Ҳақиқий адабиёт ҳеч қачон шўъбалик туғилмайди, унинг учун вақт, муталаа, изланиш керак. Зомин семинари ана шу ҳақиқатни ҳар йили юзлаб ёшларга ана бир бор аниқлатади. Бу ерга келган ҳар бир иштирокчи шеър ёки ҳикоя ёзишнинг эмас, ижодкор бўлиб яшаш, миллат юкини орқалашнинг масъулиятини ҳам ҳис қилиб қайтади.

Бугун ахборот оқими мислсиз тезлашган, сунъий интеллект ҳаётнинг қўллаб соҳаларига қириб келган, ижтимоий тармоқларда бир лаҳзада минглаб матнлар тарқалган даврда ҳақиқий бадний сўзнинг қадри янада ошиб бормоқда. Чунки технология инсонга маълумот бера олади, аммо қалбни чертувчи ҳеч нарса тақдим этолмайди. У сатр тузиши мумкин, аммо дард яратолмайди. Адабиёт эса инсоннинг ички олами тарбиялайди, шунинг учун Зомин семинари каби ижод мактаблари аҳамияти йилдан йилга ортиб бормоқда.

Бу ерда устозлар ёшларга шеърнинг қофиясининга эмас, инсоннинг виждонини ҳам

ўргатади, сўзнинг масъулиятини аниқлатади, ёзувчи бўлишдан олдин инсон бўлиш зарурлигини эслатади.

Семинар кунлари Зомин табияти ҳам худди машғулотларнинг бир қисмига айлангандек туюлади. Тонгда тоғлар бағридан эсган мусаффо шабада, арчаларнинг ўзига хос ифори, қўшлар сайраши, узоқларда мовий туманга ўралган қоялар, кечқурун эса тоғлар устига аста-секин чўкаётган соқинлик...

Табият гўё ижодкор билан суҳбатлашади. Шаҳар шовқинидан узоқда инсон ўзини ҳам, қаламини ҳам қайтадан танийди. Эҳтимол, шунинг учун Зоминда ёзилган биргина шеър баъзан йиллар давомида туғилмаган мисраларга тенг келади.

Анжуман давомида бўлиб ўтган “Зомин оқшомлари” мушоираси ёш ижодкорлар учун катта адабий байрамга айланади. Шеърлар бирин-кетин янграр экан, ҳар бир овозда ўзига хос руҳ сезиларди. Бир ёш шоир Ватан ҳақида ўқирди, бошқаси она ҳақида, яна бири муҳаббат ҳақида, аммо уларнинг барчасини бирлаштириб турган битта туйғу бор эди, бу — Ўзбекистонга муҳаббат, она тилга садоқат, адабиётга, у туғилган дунёда эзгулик тантана қилишига ишонч.

Мушоира тугатганидан кейин ҳам ҳеч ким дарҳол тарқалиб кетмади. Кимдир устоздан имзо оларди, кимдир янги танишган дўсти билан шеър ҳақида баҳслашарди. Кимдир эса ёлғиз ўзи тоғлар томон қараб ўйга чўмарди. Ана шу манзаранинг ўзи Зомин семинарининг ҳақиқий моҳиятини ифодалайди. Бу ерда рақобатдан кўра ҳамжиҳатлик кучлироқ, ҳавасдан кўра меҳр устун, танқиддан кўра ўргатиш муҳимроқ.

Агар сўз қадрсизланса, маънавият заифлашади. Зомин семинари эса айнан шу муқаддас қадрият — сўзнинг мактаби эканини ана бир бор намоён қилди.

Семинарнинг ёпилиш маросимида голиб ва фаол иштирокчилар тақдирланди. Аммо бу ерда энг катта мукофот дипломи ёки эсдалик совға эмас эди.

Энг катта мукофот — устозларнинг самимий эътирофи. Давраларда кўпроқ куйидаги хитоблар эшитилди: “Изланишдан тўхтама”, “Кўпроқ китоб ўқи”, “Езишда давом эт”, “Қандай бўлса ҳам ёзиб, ташлаб қўй, бошқа нигоҳ билан ўқи”, “Сен дангасалик қилмасанг, яхши ижодкор бўласан”.

Ана шу бир оғиз гап баъзан ҳар қандай мукофотдан қимматли, ҳар қандай хотирадан қадрироқ бўлади. Чунки ҳақиқий устоз истеъдодни қуруқ мақтос рағбати билан эмас, яхши тавсия, келажакка билдирилган ишонч билан улғайтиради.

Бугун мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор туфайли илим-фан, санъат ва адабиёт соҳаларида кенг имкониятлар яратилмоқда. Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари ҳам ана шу эзгу сиёсатнинг амалий ифодасидир. Мазкур анжуман ёшларнинг

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қаблхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Devonxona ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2026 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.
29609 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳих: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 00:50 Топширилди — 01:50

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

